

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
БАНДЛИК ВА МЕҲНАТ МУНОСАБАТЛАРИ
ВАЗИРЛИГИ**

**МЕҲНАТ ОРГАНЛАРИ ХОДИМЛАРИ
МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ РЕСПУБЛИКА
КУРСЛАРИ**

Ф.Ў.МАШАРИПОВ

**МЕҲНАТ ОРГАНЛАРИ РАҲБАР ВА
ХОДИМЛАРИ УЧУН**

**АҲОЛИ БАНДЛИГИ ВА МЕҲНАТ
МУНОСАБАТЛАРИГА ОИД АТАМАЛАР
ВА ТУШУНЧАЛАР**

қисқача изоҳли лугати

Тошкент 2021

Такдим этилаётган луғат аҳоли бандлиги ва меҳнат муносабатларига оид атама ва тушунчаларга хос муҳим белгилар умумлаштирилиб, бирлаштирилиб тингловчиларда умумий тасаввурлар ҳосил қилиш мақсадида тузилган.

Ўзбекистонда аҳоли бандлиги соҳасида амалга оширилаётган ислохотларнинг мазмун-моҳиятини, мақсад ва тамойиллари, устуворликлари тўғрисидаги тушунчаларнинг қисқача изоҳлари берилган. Ушбу қисқача изоҳли луғат Меҳнат органлари раҳбар ва ходимлари учун мўлжалланган.

Тақризчилар: Тошкент давлат иқтисодиёт университети
“Инсон ресурсларини бошқариш” кафедраси
иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент
А.Хайитов

Тошкент давлат иқтисодиёт университети
“Инсон ресурсларини бошқариш” кафедраси
иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент
С.Э.Холмуродов

Тузувчи: Меҳнат органлари ходимлари малакасини ошириш республика курслари директорининг биринчи ўринбосари **Ф.Ў.Машарипов**

Саҳифаловчи-дизайнер: **С.М.Маханов**

Изоҳли луғат Меҳнат органлари ходимлари малакасини ошириш республика курслари ўқув-услугий кенгашининг 18 январ 2021 йилдаги 1-сонли баённомаси, Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг “Инсон ресурсларини бошқариш кафедраси” нинг 2021 йил 19 январдаги 21-сон баённомаси билан тасдиқланган.

МУНДАРИЖА

Кириш	4
1. Аҳолини иш билан бандлик даражасини оширишга таълуқли атамалар	5
2. Аҳолининг эҳтиёжманд қатламлари билан боғлиқ атамалар	14
3. Меҳнат ва меҳнат муносабатларини белгиловчи атамалар	18
4. “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари ва Ёшлар дафтари”ни юритиш тартибидаги атамалар	29
5. Меҳнат миграциясига боғлиқ атамалар	41
6. Ишсизликни ифода этувчи атамалар	46
7. Меҳнат бозорига таълуқли атамалар	57
8. Аҳоли бандлиги жамғармаси ва жамоат ишлари жамғармаси фаолиятига таълуқли атамалар	65
9. Меҳнатни муҳофаза қилиш талабларини ифодаловчи атамалар	74
10. Халқаро меҳнат ташкилоти фаолияти билан боғлиқ атамалар	77
11. Халқаро меҳнат ташкилоти фаолияти билан боғлиқ атамалар	84
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	95

КИРИШ

Меҳнат органлари раҳбар ва ходимлари эътиборига ҳавола қилинаётган ушбу изоҳли луғат аҳоли бандлиги, меҳнат муҳофазаси ва меҳнат муносабатларининг айрим атамалари ва тушунчаларига бағишланган.

Бугунги кунда аҳолининг иш билан бандлигини таъминлаш муаммоси жамият ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг энг муҳим макроиқтисодий хусусиятларидан бири бўлиб, ҳозирги кундаги энг долзарб муаммолардан биридир. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев ташаббуси билан қабул қилинган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида “аҳоли бандлигини ошириш мақсадида аҳолининг реал пул даромадлари ва харид қобилиятини ошириш, кам таъминланган оилалар сонини ва даромадлар бўйича фарқланиш даражасини янада камайтириш, янги иш ўринларини яратиш, меҳнат бозори мутаносиблигини ва инфратузилмаси ривожланишини таъминлаш, ишсизлик даражасини камайтириш” асосий вазифа сифатида белгиланган. 2020 йил 20 октябрда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев томонидан имзоланган “Аҳоли бандлиги тўғрисида”ги 642-сонли қонун бу борада муҳим ўзгаришларни ўз ичига олган.

Изоҳли луғат бандлик ва меҳнат муносабатларига оид айрим йўналишлар доирасида тайёрланди. Табиийки, изоҳли луғатда айрим атама ва тушунчалар ўрин олмаган ёки етарлича талқин этилмаган бўлиши мумкин. Шунинг учун ҳам ушбу қўлланманинг мазмуни тўғрисида билдирилган ҳар қандай ҳолисона таклиф, фикр ва мулоҳозалар муаллиф томонидан қабул қилинади.

I. АҲОЛИНИ ИШ БИЛАН БАНДЛИК ДАРАЖАСИНИ ОШИРИШ ДАРАЖАСИГА ТАЪЛУҚЛИ АТАМАЛАР

Аҳоли бандлиги

Фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига зид бўлмаган, умумий талабларини қондириш билан боғлиқ бўлган, даромадлари, иш ҳақи келтирувчи фаолияти;

Аҳоли бандлиги соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари:

- Вазирлар Маҳкамаси;
- Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги;
- Ташқи меҳнат миграция агентлиги;
- Давлат бошқарув органлари;
- Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари;
- Иш берувчилар;
- Хусусий бандлик агентлари;
- Ишга жойлаштириш бўйича агентлар;
- Аутстаффинг хизматларини кўрсатувчи иш берувчилар;
- Касаба уюшмалари, уларнинг бирлашмалари;

Аҳоли бандлигининг асосий принциплари:

- Бандлик турини танлашнинг ихтиёрийлиги ва эркинлиги;
- Аҳоли бандлигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш;
- Камситишга йўл қўйилмаслиги;
- Шаффофлик ва очиқлик;
- Ишсизликдан ҳимоя қилиш ва ишга жойлашишда ҳамда касбга тайёрлашдан, қайта тайёрлашдан ва малака оширишдан ўтишда кўмаклашиш;

Аҳоли бандлигига кўмаклашиш давлат дастури

Республика ҳудудларида, иқтисодиёт тармоқларида ва ижтимоий соҳада иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш прогноз кўрсаткичлари, шунингдек тасдиқланган прогноз кўрсаткичларига эришиш чоратадбирларини, уларни бажаришнинг аниқ муддатларини ва маъсул ижрочиларни ўз ичига олган, белгиланган тартибда тасдиқланган ҳужжат;

Аҳоли бандлиги соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари:

- Иш ўринлари ташкил этилишини рағбатлантириш ва аҳоли бандлигига кўмаклашиш, шу жумладан иш ўринларини ташкил этишга доир давлат буюртмасини ҳамда иш қидираётган шахсларни ва ишсиз шахсларни касбга тайёрлашга, қайта тайёрлашга ҳамда уларнинг малакасини оширишга доир давлат буюртмасини шакллантириш орқали кўмаклашиш;
- ишсиз шахсларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ва ижтимоий ҳимоя қилиш, ишсизликни камайтириш чораларини кўриш, аҳолининг ижтимоий эҳтиёжманд тоифаларини ишга жойлаштиришга кўмаклашиш;
- ёшларни, айниқса қишлоқ жойлардаги ёшларни, умумтаълим ва касб-ҳунар мактаблари, касб-ҳунар коллежлари, техникумлар, академик лицейлар, олий таълим муассасалари битирувчиларини ишга жойлаштиришни таъминлаш бўйича чораларни амалга ошириш;
- аҳоли бандлиги соҳасида аёллар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқлар ҳамда имкониятларни таъминлаш;
- ишга жойлаштириш жараёнларига илғор ахборот технологияларини жорий этиш, аҳолининг ишга жойлашишига кўмаклашиш бўйича хизматлар бозорида

замонавий инфратузилмани ва рақобат муҳитини яратиш;

- Ўзбекистон Республикаси фуқароларига Ўзбекистон Республикасидан ташқарида ишга жойлашишида кўмаклашиш, Ўзбекистон Республикасидан ташқарида меҳнат фаолиятини амалга ошириш даврида уларнинг ҳуқуқий ва ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилинишини таъминлаш;

Аҳолини иш билан бандлик тушунчаси

Инсоннинг доимий ёки вақтинчалик меҳнат фаолияти билан боғлиқ ҳолати;

Аутстаффинг

(ингл. “Out”- ташқари ва “staff”- иштан) – бу ходимнинг ўз корхонасининг штати таркибидан ташқарида бошқа корхона ёки ташкилот иш берувчиси билан тузган меҳнат шартномаси асосида шартнома вазифаларини бажаришдан иборат. Компаниялар фуқароларни иш билан бандликнинг ушбу шаклидан ишлаб чиқариш жараёнларини мақбуллаштириб, ходимлар билан эгилувчан меҳнат муносабатларини йўлга қўйиш учун фойдаланади;

Аутсорсинг

(“outsourcing” – ташқи манба ёки ресурсдан фойдаланиш) – компания томонидан шартнома асосида ўз йўналиши учун асосий ҳисобланмаган муайян ишлаб чиқариш функцияларини (бухгалтерия ҳисоби, юридик хизматлар, маркетинг тадқиқотлари, ахборотларни қайта ишлаш) ушбу соҳа бўйича ихтисослашган иш миқдорини жалб қилинадиган бошқа шерикка юклашдан иборат;

Банд бўлмаган аҳоли (банд бўлмаган шахслар)

Ҳақ тўланадиган ишга ёки иш ҳақи (меҳнат даромади) келтирадиган машғулотга эга бўлмаган шахслар;

Банд бўлган аҳоли (банд бўлган шахслар)

Ўзининг шахсий ва ижтимоий эҳтиёжларини қаноатлантириш билан боғлиқ бўлган, ўзига иш ҳақи (меҳнат даромади) келтирадиган, Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган фаолият билан шуғулланувчи фуқаролар;

«Бандлик хизмати» ахборот тизими

Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг меҳнат органларига мурожаат этган жисмоний ва юридик шахсларга кўрсатилган хизматларни ҳисобга олиш учун мўлжалланган электрон ахборот тизими;

Бўш (вакант) иш ўринлари миллий базаси

Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг «Ягона миллий меҳнат тизими» идоралараро дастурий-аппарат комплексига кирувчи бўш (вакант) иш ўринлари тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олган маълумотларнинг ахборот базаси;

Ишлаб чиқариш кооперативларини ташкил этиш механизми:

- 1-қадам. Туман ҳокимлиги ишсизлар сони кўпроқ бўлган қишлоқлар (аҳоли пункти)га яқин жойдан заҳирадаги, оборотдан чиққан, лалмикор ерлардан (*ўртача 15 гектар*) ажратади;
- 2-қадам. Ажратилган ердан 3/2 қисми (*10 гектари*) кооператив аъзоларига (*20 сотихдан*), 3/1 қисми

(5 гектари) етакчи тадбиркорга кооперативни ривожлантириш учун ажратилади. Кооперативга етакчи тадбиркор (тортувчи - таъсисчи) бириктиралади. Тадбиркор соҳада тажрибага ва етарли моддий-техник базага эга бўлиши керак;

- 3-қадам. Кооперативга - ишсиз, камбағал оиланинг аъзолари, меҳнат миграциясидан қайтган фуқаролар (*ўртача 50 киши*) бирлаштирилади. Номзодлар сектори раҳбари, меҳнат органи ва маҳалла тавсияномаси бўйича танлаб олинади;
- 4-қадам. Кооператив ерлари пудрат шартномалари асосида камбағал оиллага камида туман ҳокимининг қарорида кўрсатилган муддатга ажратилади. Шартномага кўра оила қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва уни белгиланган нархларда кооперативга сотиш мажбуриятини олади;
- 5-қадам. Кооператив устав фонди унинг асосий таъсисчиси ва бошқа аъзолари маблағлари ҳисобига шакллантирилади. Кооперативнинг (*50 нафар*) аъзолари улуши Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармасидан ажратиладиган субсидиялар ҳисобига (*ҳар бир аъзо учун БҲМнинг 10 баравари - 2,45 млн сўм, жами 122,5 млн.сўм*) шакллантирилади;
- 6-қадам. Кооперативга фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларини қўллаб-қувватлаш жамғармасидан (*йиллик 15%*) тижорат банкларига йўналтирилган ресурсдан кредит маблағлари ажратилади;

Коворкинг

(“Co-working”- ҳамкорликдаги меҳнат) – ихтисослик, малака билим, қизиқишга эга бўлган кўп сонли шахсларнинг биргаликдаги меҳнат фаолиятининг замонавий шаклидир. Коворкинг умумий ҳудудда турли иш билан банд бўлган одамлар меҳнатини ташкил этишга янгича ёндашув ҳисобланади. Меҳнат фаолиятини

коворкинг шаклида ташкил этиш иш жойи учун харажатларни тежаш мақсадини кўзлайди. Коворкинг Ақш ва Германияда 1990 йилда пайдо бўлган;

Краудсорсинг

Инновацион ишлаб чиқариш муаммоларини ҳал этиш мақсадида интеллектуал шахслар кенг доирасининг ижобий қобилият, билим ва тажрибаларидан фойдаланиш учун ахборот-коммуникация технологияларини қўллаган ҳолда уларни бу фаолиятга кўнгилли равишда жалб қилиш шакли ҳисобланади;

Меҳнат соҳасида давлат бошқаруви

Меҳнат соҳасида давлат бошқарувини Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги тизимининг тегишли органлари олиб боради;

Оилавий тадбиркорлик

Оила аъзолари томонидан таваккал қилиб ўз мулкий жавобгарлиги остида даромад (фойда) олиш мақсадида амалга ошириладиган ташаббускорлик фаолиятидир;

Субсидия

(**Subsidium** - ёрдам, нафақа, қўллаб-қувватлаш)- давлат бюджети, маҳаллий бюджетлар маблағлар ёки махсус фондлардан жисмоний ва юридик шахсларга, маҳаллий органларга бериладиган пул маблағ ёки натурал шаклидаги ёрдам;

Ташкил этилган иш ўрни

Ишлаб чиқариш (ишлар, хизматлар) ҳажмини кенгайтириш, шунингдек ишлаб чиқаришни модернизациялаш ва қайта жиҳозлаш муносабати билан бўшаб қоладиган иш

ўринларини тўлдириш учун иш берувчи томонидан янги ёки мавжуд ишлаб чиқариш қувватларида ташкил этилган иш ўрни;

Тадбиркорлик қилишни хоҳловчи ишсиз шахсларга субсидия ажратиш

Базавий ҳисоблаш миқдорининг 10 бараваригача (2,45 млн. сўмгача)

- Тадбиркорлик қилишни хоҳловчи ишсиз шахслар давлат рўйхатидан ўтказиш учун субсидия ажратиш;
- Тадбиркорликка ўқитиш учун субсидия ажратиш;
- Тадбиркорларга кредит олишда суғурта полиси тўлови учун субсидия ажратиш;

Тадбиркорлик қилишни хоҳловчи ишсиз шахсларга субсидия ажратиш тартиби:

- Тадбиркорлик қилишни хоҳловчи ишсиз фуқаро субсидия ажратиш бўйича АБКМга мурожаат қилади;
- Мурожаатга асосан АБКМ тадбиркор (ЯТТ, кичик корхона, микрофирма) сифатида рўйхатдан ўтиш, тадбиркорликка ўқиш, кредит олиш учун суғурта полиси тўловига субсидия ажратишни таклиф этади (2,45 млн.сўм) ;
- Мурожаатчига мақул келган субсидияга турига маблағ ажратиш бўйича АБКМ буйруқ чиқаради;
- АБКМ тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтказиш учун маблағни Давлат хизматлари маркази ҳисоб рақамига ўтказиши;
- Тадбиркор бўлмақчи бўлган фуқаро 1 ой ичида Давлат хизматлари марказидан рўйхатдан ўтади, 2 ой ичида тадбиркорликка ўқиш ёки кредит олишда суғурта полиси тўловининг шартномаси АБКМга тақдим этади;

- АБКМ тадбиркорликка ўқитиш маблағини ўқув муассасасини, шунингдек суғурта полиси тўлови учун субсидия маблағи суғурта компаниясининг ҳисоб рақмига ўтказди;

Фриланс (“freelance”- эркин ёллаш)

Замонавий меҳнат иқтисодиётда пудрат асосида аниқ бир ишни бажаришга йўналтирилган мустақил иш билан бандлик тури сифатида кўрилади. Аксарият ҳолатларда фрилансерлар иш берувчи меҳнат фаолияти билан бирор ижтимоий кафолат талаб этмасдан, оғзаки келишиш ёки бир марталик шартнома асосида меҳнат фаолиятини амалга оширади. Фрилансни иш билан масофадан туриб бандликнинг бир тури сифатида ҳам кўриш мумкин. Чунки фрилансер меҳнат фаолиятини иш берувчининг корхонаси ташкилотидан ташқарида, унинг бино жиҳозларидан фойдаланмаган ҳолда амалга оширади;

Фуқароларнинг меҳнат фаолиятини баҳоловчи сўров анкетаси

Уй хўжаликларининг бандлик масалалари тўғрисидаги маълумотларни олиш учун аниқ белгиланган саволлар рўйхатини ўз ичига олган, белгиланган тартибда тасдиқланган ҳужжат;

Ўзини ўзи мустақил равишда банд қилиш

Шахсларнинг ходим ёки иш берувчи сифатида расмий меҳнат муносабатларисиз тадбиркорлик, хизматлар кўрсатиш соҳасида, шахсий томорқа ер участкасида ва бандликнинг бошқа шаклларида мустақил равишда ташкил этиладиган меҳнат фаолияти тури;

«Ягона миллий меҳнат тизими» идоралараро дастурий-аппарат комплекси

Меҳнат бозори ва бандлик, меҳнат ресурслари баланси, ташкил этилаётган иш ўринлари ҳақидаги холис, мунтазам янгилаб бориладиган маълумотлар базасини ўз ичига олган, иш берувчилар ва ходимларга меҳнат муносабатларини электрон шаклда расмийлаштириш, ишга жойлашишнинг шахсга доир тарихи, бўш (вакант) иш ўринлари, ходимларнинг сон ва сифат таркиби тўғрисидаги маълумотларни шакллантириш ҳамда сақлаш учун майдонча тақдим этадиган электрон ахборот тизими;

ЯММТ тизимининг имкониятлари:

- иш берувчилар ва ходимлар ўртасидаги меҳнат муносабатларини электрон рўйхатдан ўтказиш;
- иш берувчиларнинг барча иш ўринлари тўғрисидаги электрон маълумотлар базасини шакллантириш;
- ходимнинг меҳнат стажини, ҳисобланган иш ҳақи тўғрисидаги маълумотларни ўз ичида шакллантирадиган электрон меҳнат дафтарчасини юритиш;
- аҳоли бандлиги соҳасида давлат сиёсатини самаадорлигини ошириш, меҳнат бозори ҳолати ва динамикаси тўғрисидаги маълумотларни шакллантириш;
- меҳнат бозори, минтақалар, ёш ва жинс омиллари, соҳалар ва мутахассисликлар бўйича ишчи кучига талаб ва таклифнинг ривожланишини башорат қилиш;

ЯММТ тизимига интеграция қилинган идоралар:

- Давлат персоналлаштириш маркази;

- Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси ва Олий аттестация комиссияси;
- Давлат солиқ қўмитаси;
- Ички ишлар вазирлиги;
- Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси;
- Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги;

II. АҲОЛИНИНГ ЭҲТИЁЖМАНД ҚАТЛАМЛАРИ БИЛАН БОҒЛИҚ АТАМАЛАР

Аҳолининг ижтимоий эҳтиёжманд тоифалари

Ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган ва иш топишда қийналаётган ҳамда меҳнат бозорида тенг шароитларда рақобатлаша олмайдиган шахслар;

Аҳолининг ижтимоий эҳтиёжманд тоифалари жумласига қуйидагилар киради:

- ўн тўрт ёшга тўлмаган болалари ва ногиронлиги бўлган болалари бор ёлғиз ҳамда кўп болали ота-оналар;
- умумий ўрта ва касб-ҳунар таълими муассасаларини тамомлаб, касбга эга бўлган ёшлар;
- «Меҳрибонлик» уйларининг битирувчилари, шунингдек олий таълим муассасаларининг давлат грантлари бўйича таълим олган битирувчилари;
- Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг, Ички ишлар вазирлигининг, Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг, Миллий гвардиясининг, Давлат хавфсизлик хизматининг қўшинларидаги муддатли ҳарбий хизматдан бўшатишган шахслар;
- ногиронлиги бўлган шахслар;
- пенсияолди ёшидаги шахслар;

- жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган ёки суд қарорига кўра ўзига нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари қўлланилган шахслар;
- одам савдосидан жабрланганлар;

Аҳолининг ижтимоий таркиби

Бу аҳолининг турмуш сифати ва даромад даражасига таълуқли кўрсаткичларига асосан тақсимланишидир.

Аҳолининг жинсий таркиби

Аҳолининг эркак ва аёлларга тақсимланишидир.

Аҳолининг ёш таркиби

Ёш ҳақидаги маълумотлар аҳолини ҳар 10 йилда бир мартаба аҳолини рўйхатдан ўтказиш, жумладан, туғилиш, ўлим, никоҳ ва ажралишларни ўз ичига камраб олувчи кўрсаткичлар мажмуъаси;

Аҳоли даромадлари

Бу аҳоли ёки унинг оила аъзолари томонидан маълум давр ичида бир ой, бир йилда олинган маблағ пул шакли ёки натурал қимматга эга неъматлар миқдори;

Аҳолининг пул шаклидаги даромадлари

Иш ҳақи ҳисобидаги барча пул маблағлари тушуми; пенсиялар, стипендиялар, турли нафақалар, мулкдан фоиз, дивидентлар, акциялар, қимматли қоғозлар, кўчмас мулк ва ҳақозолар;

Аҳолининг натурал даромадлари

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларни харид қилиш орқали барча тушумлари, деҳқончилик, чорвачилик,

паррандачилик, сабзавот-полиэ экинлари, шахсий томорқа, оилавий эҳтиёжлар учун тайёрланадиган махсулотларни қонуний равишда харид этиш;

Аҳолининг умумий даромадлари

Мажбурий тўловлар ва бошқа ажратмаларни амалга оширгунга қадар бўлган ялпи даромадни ифода этади. Аҳолининг умумий даромадига пул даромадлари ва натура шаклидаги даромадлар киради ҳамда доимий асосда, такрорланувчи хусусиятга эга бўлган, йиллик ёки ундан кам вақт оралиғидаги даврда уй хўжалиги ёки унинг алоҳида аъзоларига тушадиган тушумлардан иборат;

Ижтимоий соҳа

Аҳоли турмуш тарзи, унинг фаровонлиги, истеъмол даражасига бевосита боғлиқ бўлган ва уларни белгилаб берувчи тармоқлар, корхоналар ва ташкилотлар мажмуи. Ижтимоий соҳага энг аввало хизмат кўрсатиш соҳаси (маориф, маданият, соғлиқни сақлаш, ижтимоий таъминот, жисмоний тарбия, умумий овқатланиш, коммунал хизмат кўрсатиш, йўловчи транспорти, алоқа ва бошқалар) киради;

Ижтимоий соҳа объектлари

Аҳолининг муносиб турмуш шароити ва фаровонлигини таъминлашга хизмат қилувчи соҳа ва тармоқлар мажмуи. Булар қаторига уй-жой фондлари, соғлиқни сақлаш, маориф, спорт, маданият муассасалари ва бошқаларни киритиш мумкин;

Иш ўринларини захирага қўйиш

Аҳолининг ижтимоий эҳтиёжманд тоифаларини ишга жойлаштириш учун ташкилот (иш берувчи) томонидан иш ўринларини ажратиш;

Иш ўринларининг энг кам сони

Аҳолининг ижтимоий эҳтиёжманд тоифаларини ишга жойлаштириш учун ташкилот ходимларининг рўйхатдаги ўртача сонига нисбатан туманлар (шаҳарлар) ҳокимларининг қарорлари билан фоизларда белгиланадиган иш ўринларининг энг кам сони;

Ижтимоий муҳофазага муҳтож шахсларни ишга қабул қилган иш берувчиларга субсидия ажратиш:

- Иш берувчи томонидан ижтимоий эҳтиёжманд аҳолини квотадан ортиқ ишга қабул қилинган ходим учун субсидия ажратилишини сўраб АБКМга мурожаат қилади;
- Мурожаат хатига ҳар бир ишга қабул қилинган ходимнинг ижтимоий эҳтиёжманд қатламга мансублиги ва ишга қабул қилинганлиги тўғрисидаги буйруқни илова қилади;
- АБКМ 3 кун ичида ташкилотнинг мурожаатида кўрсатилган маълумотларнинг тўғрилигини ўрганиб чиқади;
- Маълумотлар тўғри деб топилганда, ташкилотга ҳар бир ходим учун 12 ой давомида ҳар ойда БҲМнинг 2 баравари миқдориди субсидия ажратиш бўйича АБКМ буйруғи қабул қилинади;
- Ижтимоий эҳтиёжманд аҳолини квотадан ортиқ миқдорда ишга қабул қилган ташкилот ходимнинг ушбу ташкилотда ишлаётганлиги, иш ҳақи ҳисобланганлиги ва даромад солиғи тўланганлиги тўғрисидаги маълумотларни 12 ой давомида ҳар ойда АБКМга тақдим этади;
- АБКМ ҳар ой учун кейинги ойда Давлат солиқ органидан ташкилотда квотадан ортиқ ишга қабул қилинган ходимга иш ҳақи ҳисобланганлиги тўғрисида маълумот олади;

- АБКМ субсидияни ҳар ойда тўлаб боради. Давлат солиқ органидан квотадан ортиқ ишга қабул қилинган шахсга иш ҳақи ҳисобланмаганлиги тўғрисида маълумот берилганда, маълумот берилган вақтдан бошлаб ташкилотга субсидияни ажратиш тўхтатилади;

Истеъмол саватчаси

Бу алоҳида шахс ёки оила томонидан бир ой ёки йил давомида истеъмол қилинадиган маҳсулотлари ва фойдаланадиган хизматлари турлари ва миқдорининг ҳисоб-китоб қилинган тўпламидир. Жаҳоннинг ривожланган давлатларида истеъмол саватчаси инсоннинг тирикчилик кечириш учун зарур бўлган энг кам миқдорини аниқлаш учун фойдаланилади. У шунингдек, ҳар бир мамлакат валютаси харид қобилиятини аниқлаш учун асос ҳам бўлади;

Пенсияолди ёши

Шахснинг давлат томонидан белгиланган пенсияга чиқиш ёшидан икки йил олдинги ёшга тўлиши;

Турмуш даражаси

Бу жисмоний, маънавий ва ижтимоий эҳтиёжларнинг ривожланиш даражаси, қондирилганлик миқёси ва уларни қондириш учун яратилган имкониятларни акс эттирувчи комплекс ижтимоий-иқтисодий категориядир.

III. МЕҲНАТ ВА МЕҲНАТ МУНОСАБАТЛАРИНИ БЕЛГИЛОВЧИ АТАМАЛАР

Меҳнат

Инсоннинг муайян эҳтиёжларини қондира оладиган ва ўзига керак бўладиган моддий ёки маънавий неъматларни

ишлаб чиқариш (яратиш) бўйича онгли, мақсадли тақиқланмаган фаолиятидир.

Ақлий меҳнат

Замонавий усулдаги ахборот, мантик, умумлаштириш ва ижод унсурларини қамраб олади, аммо ходимнинг бевосита ишлаб чиқариш воситалари билан иш кўришини назарда тутмайди ҳамда корхона ва ташкилотнинг билим, ташкилотчилик ва бошқарувга эҳтиёжларини қондиришни ифодалайди;

Жисмоний меҳнат

Бу инсоннинг бевосита меҳнат воситалари билан ўзаро алоқадорлигини, унинг технологик жараёнларга бевосита жалб қилинганлигини, меҳнат жараёнида иштирокини назарда тутлади;

Мажбурий меҳнат

Бирон-бир жазони ёки зўравонликни қўллаш билан таҳдид қилган ҳолда ишни бажаришга мажбурлаш (бундан қонунда белгиланган ҳоллар мустасно);

Мажбурий меҳнат субъекти

Мажбурий меҳнат субъекти - иш берувчи, давлат органи вакили ёки фуқаро бўлиши мумкин. Битта мажбурий меҳнат ҳолати бўйича – бир нечта фуқаро ёки мансабдор шахс бевосита ёки билвосита мажбурий меҳнатни амалга оширувчиси бўлиши мумкин. Битта мажбурий меҳнат ҳолати бўйича – бир нечта фуқаро мажбурий меҳнатнинг жабрланувчиси бўлиши мумкин;

Мажбурий меҳнат бўйича халқаро қонунчилик ҳужжатлари

- “Мажбурий меҳнат тўғрисида”ги 29-сонли Конвенцияси 28.06.1930 йилда қабул қилинган (30.08.1997 йилда ратификация қилинган);
- “Мажбурий меҳнатни тугатиш тўғрисида”ги 105-сонли Конвенцияси 25.06.1957 йилда қабул қилинган (30.08.1997 йилда ратификация қилинган);
- “Мажбурий меҳнат тўғрисида”ги 29-сонли Конвенциясининг Баённомаси 2014 йилда қабул қилинган (25.06.2019 йилда ратификация қилинган);
- “Саноат ва савдодаги меҳнат инспекцияси тўғрисида”ги 81-сонли Конвенция 07.04.1950 йилда қабул қилинган (27.08.2019 йилда ратификация қилинган);
- “Қишлоқ хўжалигидаги меҳнат инспекцияси тўғрисида”ги 129-сонли Конвенция 19.01.1972 йилда қабул қилинган (27.08.2019 йилда ратификация қилинган).

Мажбурий меҳнат бўйича миллий қонунчилик ҳужжатлари

- Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 37-моддаси;
- Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 7-моддаси;
- “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-603-сон Қонуни (22.01.2020 йил);
- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 29.10.2018 йилдаги “Мажбурий меҳнатнинг ҳар қандай кўришини ва барча шакллариغا йўл қўймаслик ҳамда уларга барҳам бериш бўйича давлат ҳокимияти органлари ҳамда барча бўғин

- рахбарларининг масъулиятини ошириш тўғрисида”ги ПФ-5563-сон фармони;
- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 30.07.2019 йилдаги “Одам савдосига ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5775-сон фармони;
 - Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 10.05.2018 йилдаги “Ўзбекистон Республикасида мажбурий меҳнатга барҳам беришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 349-сон қарори;

Болалар меҳнати

Болалар учун рухий, жисмоний, ижтимоий ёки маънавий жиҳатдан хавфли ёки зарарли, болалар мактабда ўқиш имкониятидан маҳрум қилувчи (мактабга боролмайди, мактаб таълимини оғир ва узок муддатли меҳнат билан бирлаштиришга мажбур бўлади) иш фаолият турлари тушунилади;

Гендер муносабатлари

Хотин-қизлар ва эркаклар ўртасидаги муносабатларнинг жамият ҳаёти ва фаолиятининг барча соҳаларида, шу жумладан сиёсат, иқтисодиёт, ҳуқуқ, мафкура ва маданият, таълим ҳамда илм-фан соҳаларида намоён бўладиган ижтимоий жиҳати;

Гендер сиёсати амалга оширилишини таъминлашга доир вақтинчалик махсус чоралар

Жинсларнинг нотенглигини бартараф этиш, хотин-қизлар ва эркакларнинг ҳақиқий ёки асос бўладиган тенглигини таъминлаш бўйича аниқ мақсадларга эришиш учун давлат

органлари томонидан кўриладиган ҳуқуқий, ташкилий ҳамда институциявий хусусиятга эга чора-тадбирлар;

Гендер статистикаси

Давлат статистикасининг жамият ҳаёти ва фаолиятининг барча соҳаларида хотин-қизлар ва эркакларнинг ҳолати тўғрисида ҳар бир жинс бўйича алоҳида кўрсатилган маълумотларни ўз ичига олган, ҳар хил жинсдаги шахсларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг барча соҳаларидаги тегишли ҳолатини акс эттирадиган, гендер муаммоларини ва жамиятдаги муносабатларни ёритадиган қисми;

Жинс бўйича бевосита камситиш

Жамият ҳаёти ва фаолиятининг барча соҳаларида хотин-қизлар ва эркакларнинг ҳуқуқлари ҳамда эркинликларини тан олмасликка қаратилган ҳар қандай тарзда фарқлаш, истисно этиш ёки чеклаш, шу жумладан оилавий ҳолати, ҳомиладорлиги, оилавий мажбуриятлари туфайли камситиш, шунингдек шахвоний шилқимлик қилиш, тенг меҳнат ва малака учун ҳар хил ҳақ тўлаш;

Жинс бўйича билвосита камситиш

Бир жинсдаги шахсларни бошқа жинсдаги шахсларга нисбатан ноқулайроқ ҳолатга тушириб қўядиган вазиятларни, ҳолатларни ёки мезонларни яратиш, шу жумладан гендер тенгсизликни оммавий ахборот воситалари, таълим, маданият орқали тарғиб этиш, муайян жинсдаги шахслар учун салбий оқибатларга олиб келиши мумкин бўлган шарт-шароитлар ёхуд талаблар белгилаш.

Жамоа шартномаси

Корхонада иш берувчи билан ходимлар ўртасидаги меҳнатга оид, ижтимоий-иқтисодий ва касбга оид муносабатларни тартибга солувчи норматив ҳужжат;

Жамоа келишуви

Муайян касб, тармоқ, ҳудуд ходимлари учун меҳнат шартлари, иш билан таъминлаш ва ижтимоий кафолатлар белгилаш борасидаги мажбуриятларни ўз ичига олувчи норматив ҳужжат;

Жисмоний шахс

Ҳуқуқий муносабатларнинг иштирокчиси бўлган алоҳида фуқаро (чет эл фуқаролари ёки фуқаролиги бўлмаган шахслар)ни ифодаловчи тушунча;

Юридик шахс

Фуқаролик ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг субъектлари ҳисобланувчи корхона, муассаса, ташкилотлар. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик қонунчилигига кўра, юридик шахс ўз мулкида, хўжалик юритишда ёки оператив бошқарувида алоҳида мол-мулкга эга бўлган ҳамда мажбуриятлари юзасидан ушбу мол-мулк билан жавоб берадиган, ўз номидан мулкӣ ва шахсий номулкий ҳуқуқларга эга бўла оладиган ва уларни амалга ошира оладиган, судда даъвогар ва жавобгар бўла оладиган ташкилотдир. Юридик шахслар мустақил баланс ёки сметага эга бўлишлари керак.

Иш вақти

Ходим иш тартиби ёки графигига ёхуд меҳнат шартномаси шартларига мувофиқ ўз меҳнат вазифаларини бажариши лозим бўлган вақт иш вақти ҳисобланади;

Иш берувчи

Меҳнат фаолиятини амалга оширадиган ходимларни мустақил ва доимий равишда ёллайдиган шахсдир;

Иш вақтининг нормал муддати

Ходим учун иш вақтининг нормал муддати ҳафтасига 40 соатдан ортиқ бўлиши мумкин эмас. Олти кунлик иш ҳафтасида ҳар кунги ишнинг муддати етти соатдан, беш кунлик иш ҳафтасида эса саккиз соатдан ортиб кетмаслиги лозим;

Ишга жойлашиш ҳуқуқи

Унумли ва ижодий меҳнат қилишга бўлган ўз қобилиятларини тасарруф этиш ва қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган ҳар қандай фаолият билан шуғулланиш ҳар кимнинг мутлақ ҳуқуқидир. Ҳар ким иш берувчига тўғридан-тўғри мурожаат қилиш йўли билан ёки меҳнат органларининг бепул воситачилиги орқали иш жойини эркин танлаш ҳуқуқига эгадир;

Иш жойини тақсимлаш

Икки ва ундан ортиқ ходимлар ўртасида иш билан бандликнинг бундай шаклида иш вақти, иш ҳақи, дам олиш кунлари, меҳнат таътиллари, ижтимоий тўловлар ва имтиёзлар ҳам улар орасида тақсимланади;

Иш ҳақи

Меҳнатга пул шаклида тўланадиган ҳақ, қийматнинг ўзгарган шакли, иш кучи тақдим этилган меҳнат хизматининг баҳоси, иш кучи қиймати ва нархи бевосита иш ҳақида ифодаланади. Иш ҳақи даражаси бевосита меҳнат бозорида келишилади. Иш ҳақи- ёлланма ходим даромадининг асосий манбаи, унга тегишли иш қобилиятига бўлган мулкчилик ҳуқуқини иқтисодий жиҳатдан рўёбга чиқариш шакли;

Иш ҳақи тизими ўз шаклига кўра 2 асосий гуруҳга бўлинади:

Ишбай – бунда асосий кўрсаткич бажарилган ишнинг амалдаги ҳажми, миқдори ҳисобланади;

Вақтбай – бунда иш бажаришга сарфланган вақт асосий кўрсаткич бўлади;

Интизомий жазо

Ходимга меҳнат интизомини бузганлиги учун иш берувчи қуйидаги интизомий жазо чораларини қўллашга ҳақли:

- Ҳайфсан;
- Ўртача ойлик иш ҳақининг ўттиз фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда жарима. Ички меҳнат тартиби қоидаларида ходимга ўртача ойлик иш ҳақининг эллик фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда жарима солиш ҳоллари ҳам назарда тутилиши мумкин. Ходимнинг иш ҳақидан жарима ушлаб қолиш ушбу Меҳнат Кодексининг 164-моддаси талабларига риоя қилинган ҳолда иш берувчи томонидан амалга оширилади;
- Меҳнат шартномасини бекор қилиш.

Йиллик қўшимча таътил:

- меҳнат шароити ноқулай ва ўзига хос бўлган ишларда банд бўлган ходимларга;
- оғир ва ноқулай табиий-иқлим шароитларида иш бажараётган ходимларга;
- меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатларда меҳнат шартномасининг шартларида назарда тутилган бошқа ҳолларда берилади;

Қонун ости ҳужжатлари

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари;

Меҳнат муносабатлари

Меҳнат муносабатлари - меҳнат шартномаси ходим ва иш берувчи ўртасида вужудга келадиган меҳнат шартномасини тузиш, ўзгартириш ва бекор қилиш билан боғлиқ муносабатлар амалдаги меҳнат қонунчилиги ва меҳнат ҳукуки нормаларини ақс эттирган;

Меҳнат дафтарчаси

Меҳнат дафтарчаси ходимнинг меҳнат стажини тасдиқловчи асосий ҳужжатдир. Иш берувчи корхонада беш кундан ортиқ ишлаган барча ходимларга меҳнат дафтарчасини тутиши шарт, ўриндошлик асосида ишловчилар бундан мустасно;

Меҳнат интизоми

Давлат томонидан ўрнатилган меҳнат жараёнида барчанинг амал қилиши лозим бўлган умумий тартиб. Амалдаги қонунчиликка биноан, ходим ўз меҳнат вазифаларини ҳалол ва виждонан бажариши, меҳнат интизомига риоя қилиши,

иш берувчининг қонуний фармойишларини ўз вақтида бажариши меҳнат муҳофазаси, хавфсизлик санитария талабларига риоя қилиши лозим;

Меҳнатга ҳақ тўлаш

Кишининг меҳнат фаолияти турли-туман бўлганлиги учун, унинг меҳнатига ҳақ тўлаш ҳам турлича шаклларда намоён бўлади. Иш ҳақининг икки шакли қабул қилинган. Ишбай ҳақ тўлаш, Вақтбай ҳақ тўлаш;

Меҳнат таътили

Ҳар бир ходимга узлуксиз дам олиш ва меҳнат қобилиятини тиклаш учун иш жойи лавозими ва ўртача иш ҳаққи сақланган ҳолда ҳар йили берилади. Меҳнат таътиллари 2 хил бўлади асосий ва қўшимча таътилар. Асосий таътил Меҳнат кодексининг 134 моддасига биноан унинг муддати бир иш йилида 15 кундан кам бўлмаслиги керак;

Меҳнат шартномаси

Меҳнат шартномаси ходим билан иш берувчи ўртасида муайян мутахассислик, малака, лавозим бўйича ишни ички меҳнат тартибига бўйсунган ҳолда тарафлар келишуви, шунингдек меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатлар билан белгиланган шартлар асосида ҳақ эвазига бажариш ҳақидаги келишувдир;

Меҳнат шартномаси қанча муддатга тузилади

Меҳнат шартномалари:

- номуайян муддатга;
- беш йилдан ортиқ бўлмаган муайян муддатга;
- муайян ишни бажариш вақтига мўлжаллаб тузилиш мумкин;

Меҳнат тартиби

Иш берувчи касаба уюшмаси қўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи билан келишиб тасдиқлайдиган ички меҳнат тартиби қоидалари билан белгиланади;

Меҳнатни рағбатлантириш

Меҳнат фаолиятида белгилаб қўйилган иш натижалари ва сифатидан юқорироқ кўрсаткичларга эришганлик учун ходимнинг муҳим ижтимоий эҳтиёжларини қондиришга йўналтирилган механизмларни яратишдир;

Норматив-ҳуқуқий ҳужжат

Белгиланган шаклда қабул қилинган, умуммажбурий давлат кўрсатмалари сифатида қонун ҳужжатлари нормаларини белгилаш, ўзгартириш ёки бекор қилишга қаратилган расмий ҳужжат. Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг буйруқлари ҳамда қарорлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари;

Ишга қабул қилишда дастлабки синов муддати

- Ходимнинг топширилаётган ишга лаёқатлилигини текшириб кўриш;
- Ходим меҳнат шартномасида шартлашилган ишни давом эттиришнинг мақсадга мувофиқлиги ҳақида бир қарорга келиши;
- Ҳомиладор аёллар, уч ёшга тўлмаган боласи бор аёллар, корхона учун белгиланган минимал иш жойлари ҳисобидан ишга юборилган шахслар, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларининг ҳамда олий ўқув юртларининг тегишли таълим муассасасини тамомлаган кундан эътиборан уч йил ичида биринчи бор ишга кираётган битирувчилари ишга қабул

қилинганда, шунингдек ходимлар билан олти ойгача муддатга меҳнат шартномаси тузилиб, ишга қабул қилинганда дастлабки синов белгиланмайди;

- Дастлабки синов муддати уч ойдан ошиб кетиши мумкин эмас;

Тариф сеткаси

Меҳнатнинг мураккаблигига қараб иш ҳақи миқдорини дифференциялаш воситасидир. Унда ходимлар турли тоифалари учун тариф коэффициентларига мувофиқ иш ҳақлари нисбати акс этади. Ходимлар барча тоифалари учун ягона тариф сеткалари мавжуд. Ўзбекистон Республикасида ҳозирги вақтга қадар 1 дан 22 гача разряди бўлган ягона тариф сеткаси қабул қилинган.

Трипартизм

Давлат, иш берувчилар ва ходимлар ва уларнинг вакиллари ўртасида ижтимоий шериклик тушунилади.

IV. “ТЕМИР ДАФТАР”, “АЁЛЛАР ДАФТАРИ ВА ЁШЛАР ДАФТАРИ”НИ ЮРИТИШ ТАРТИБИДАГИ АТАМАЛАР

«Темир дафтар»

Карантин шароитида ишсиз, даромадсиз қолган эҳтиёжманд, ёрдамга муҳтож оилаларнинг маҳаллада шакллантирилган шаффоф рўйхати;

«Темир дафтар»ни юритишда эҳтиёжманд оилаларнинг 7 тоифаси, жумладан:

- кам таъминланган;
- ногиронлиги бўлган;
- ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар;

- якка-ёлғиз кексалар;
- доимий ишсиз фуқаролар;
- карантин туфайли ишсиз қолган фуқаролар;
- оғир эпидемиологик ҳудудлардан қайтариб келинган фуқароларни камбағалликдан чиқариш чоралари кўрилади.

«Ёшлар дафтари»

Ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий, психологик қўллаб-қувватлашга, билим ва касб ўрганишга эҳтиёжи ва иштиёки бўлган, ишсиз ёшларнинг муаммоларини аниқлаш, бартараф этиш ва назоратини олиб бориш бўйича маълумотлар базаси;

Нодавлат касб-хунарга ўқитиш марказлари

Ёшларни касб-хунар ва тадбиркорликка ўқитиш ваколатига эга бўлган нодавлат нотижорат ташкилотлари ва нодавлат таълим муассасалари;

Секторлар

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, туманлар, шаҳарлар ҳудудларини тегишлича Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туманлар (шаҳарлар) ҳокимлари, прокуратура, ички ишлар ва давлат солиқ хизмати ҳудудий органлари раҳбарлари бошчилик қиладиган туманлар (шаҳарлар) ва ҳудудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича тегишли маҳаллий давлат ҳокимияти органининг коллегиял ишчи тузилмаси;

Секторлар ишчи гуруҳлари

Сектор раҳбари бошчилигида иқтисодиёт, инвестиция, қурилиш, қишлоқ хўжалиги соҳаси, давлат бошқаруви органларининг туман (шаҳар)лар тузилмаларининг малакали мутахассислари ва тижорат банклари ходимларидан иборат Қорақалпоғистон Республикаси

Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари томонидан тасдиқланадиган махсус ишчи гуруҳлари;

Электрон платформа

Ёшларга тегишли бўлган маълумотларни жамлаш, қайта ишлаш тизимини яратиш ва тегишли вазирликлар ва идоралар билан рақамли маълумотлар алмашувини ташкил этиш ҳамда ёшлар билан тизимли ишлаш юзасидан чоратадбирлар самарадорлигини мониторинг қилиш имконини берувчи ягона электрон платформа;

“Ёшлар дафтари” жамғармаси

“Ёшлар дафтари”га киритилган ёшларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш мақсадида белгиланган тартибда ташкил этиладиган жамғарма;

Васийлик кенгаши

Тегишли туман (шаҳар) Халқ депутатлари кенгаши томонидан манфаатдор муассасалар раҳбарлари ва жамоатчилик вакилларидан иборат таркибда тасдиқланадиган “Ёшлар дафтари” жамғармасининг коллегиял тузилмаси.

Ёшлар дафтари

- **ижтимоий ҳимояга муҳтож ёшлар** – муомалага ва меҳнатга лаёқатсиз, ногиронлиги ёки саломатлигида нуқсони бўлган (нафақа олмайдиган), боқувчисини йўқотган, етим, шунингдек, муқаддам судланган, профилактик ҳисобда ёки маъмурий назорат остида турувчи ижтимоий ёрдамга муҳтож шахслар;
- **иқтисодий қўллаб-қувватлашга муҳтож ёшлар** – шахсий ташаббусларига эга, маълум бир даражадаги касбий кўникмалари ва билимга эга бўлган, лекин молиявий имкониятлари чекланган шахслар

(эгалигида мол-мулк бўлган шахслар бундан мустасно);

- **психологик қўллаб-қувватлашга мухтож ёшлар** – жамиятда ўз ўрнини топишга қийналаётган, турли хил муаммо ёки тушкунлик кайфиятида бўлган (суицид содир этишга ҳаракат қилган ва ҳ.к), ижтимоий реабилитацияга мухтож шахслар;
- **ишсиз ёшлар** – ҳақ тўланадиган ишга ёки иш ҳақи (меҳнат даромади) келтирадиган машғулотга эга бўлмаган, иш қидираётган ва иш таклиф этилса, унга киришишга тайёр бўлган ёхуд касбга тайёрлашдан, қайта тайёрлашдан ўтишга ёки малакасини оширишга тайёр бўлган, ишга жойлашишда кўмак олиш учун маҳаллий меҳнат органларига мурожаат қилган ва ушбу органлар томонидан иш қидираётган шахслар сифатида рўйхатга олинган меҳнатга лаёқатли ёшлар (бундан таълим муассасаларида таълим олаётганлар мустасно).

Ёшлар дафтари

ЁШЛАР ДАФТАРИ” – бу ҳар бир сектор ҳудуди кесимида истиқомат қилаётган, 18 ёшга тўлган 30 ёшдан ошмаган ишсиз ёшларнинг манзилли рўйхати қайд этиладиган электрон дастур.

“ЁШЛАР ДАФТАРИ”ни сектор котиби ва Ёшлар ишлари агентлигининг туман (шаҳар) бўлими бошлиғи юритади.

“ЁШЛАР ДАФТАРИ”га ёши, жинси, касбга лаёқати бўйича:

- битирувчи ёшлар,
- ҳозирда ишсиз бўлган ёшлар,
- ишга мухтож ногирон ёшлар,
- хориждан қайтган ёшлар,
- ЖИЭМ озод этилган ёшлар, ҳарбий хизматдан қайтган ёшлар киритилади.

Сектор раҳбари томонидан ишчи гуруҳи билан биргаликда маҳаллалар кесимида ишсиз ёшлар хатловдан ўтказилади ва “Ёшлар дафтари”га рўйхатга олинади. Бунда, таълим муассасалари ўз битирувчиларини, Маҳалла ва Ёшлар агентлиги ишсиз ёшларни, ИИБ хориждан қайтган ва ЖИЭМ озод этилган ёшларни аниқлашга кўмаклашади.

“Ёшлар дафтари”га ёши, жинси, касбга лаёқати бўйича куйидаги мезонлар асосида киритилади:

- ↪ а) умумий ўрта таълим ҳамда олий ва ўрта махсус таълим муассасалари битирувчилари;
- ↪ б) расман иш билан банд бўлмаган, ишсиз ёшлар;
- ↪ в) имконияти чекланган, бироқ меҳнатга лаёқатли ишсиз ёшлар;
- ↪ г) короновирус пандемияси сабабли қўлланилган карантин чоралари натижасида ўзининг иш ўрни ва даромад манбаини йўқотган фуқаролар, жумладан четдан қайтган ёш меҳнат мухожирлари;
- ↪ д) жазони ижро этиш муассасасидан озод этилган, ишсиз ёшлар;
- ↪ е) муддатли ҳарбий хизматни ўтаб қайтган, бироқ иш билан банд бўлмаган ёшлар;
- ↪ ё) оиланинг ўзгалар қарамоғига муҳтож кексаларга ғамхўрлик қилаётган ёшлар;
- ↪ ж) оиланинг ҳақиқатда эҳтиёжманд, ночор ва моддий кўмакка муҳтожлиги.

“Ёшлар дафтари”га киритилган ёшларни касб-хунар ва тадбиркорлик кўникмаларига ўқитиш

- “Ёшлар дафтари” жамғармаси маблағлари ҳисобидан ёшларни тадбиркорликка ўқитиш бўйича нодавлат нотижорат ташкилотлари ва нодавлат таълим ташкилотларига сарфланган харажатларнинг 70

фоизи, бироқ ҳар бир битирувчига 1 миллион сўмдан ортиқ бўлмаган миқдоридаги харажатларни қоплаш учун субсидия ажратилади;

- “Ёшлар дафтари” жамғармаси маблағлари ҳисобидан нодавлат касб-ҳунарга ўқитиш марказларида янги касбга ўқитиш билан боғлиқ бўлган харажатларни қоплаш учун субсидиялар бериш – ҳар бир ёшга бир ойгача бўлган ўқув курслари учун базавий ҳисоблаш миқдори (БХМ)нинг 5 бараваридан, бир ойдан икки ойгача бўлган ўқув курслари учун БХМнинг 10 бараваридан, икки ойдан ортиқ муддатли ўқув курслари учун БХМнинг 15 бараваридан кўп бўлмаган миқдорда.

“Ёшлар дафтари”дан чиқариш тартиби

Ёшлар куйидаги ҳолларда “Ёшлар дафтари”дан чиқарилади:

- иш билан бандлиги таъминланган ёки доимий даромад манбаига эга бўлганда;
- моддий ёрдам кўрсатиш орқали муаммоси ҳал этилганда;
- тўлов-контракт асосида ўқиш йиллик харажатлари белгиланган тартибда тўлаб берилганда;
- тадбиркорлик фаолияти ҳамда ўзини ўзи банд қилиш мақсадида нотурар жойнинг ижара харажатлари қопланганда;
- турар жой ижара компенсацияси белгиланган тартибда тўлаб берилганда;
- малакали тиббий хизмат кўрсатилганда;
- тўлиқ давлат таъминотига олинганда;
- аниқланган бошқа муаммолари қонуний ҳал этилганда;
- ўз аризасига кўра;
- “Ёшлар дафтари”га ноқонуний киритиш ҳолати аниқланганда;

- бошқа давлатларга доимий яшаш учун чиқиб кетганда;
- суднинг озодликдан маҳрум этишни назарда тутувчи ҳукми қонуний кучга кирганда;
- хизматлар кўрсатиш бўйича иш олиб бориш имконини бермайдиган бошқа ҳолатлар юзага келганда;
- шахс вафот этган тақдирда.

Ёшлар дафтари”га киритилган ёшларни қўллаб-қувватлаш бўйича ишларни мувофиқлаштириш:

- ✓ маҳалла даражасида – туман (шаҳар) секторлари раҳбарлари, Ёшлар ишлари агентлигининг туман (шаҳар) бўлимлари бошлиқлари;
- ✓ туман (шаҳар) даражасида – вилоят секторлари раҳбарлари, Президент Халқ қабулхоналари мудирлари, Ёшлар ишлари агентлигининг ҳудудий бошқармалари бошлиқлари;
- ✓ вилоят даражасида – Ёшлар ишлари агентлиги, тегишли вазирлик ва идоралар;
- ✓ республика даражасида – Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини янада ривожлантириш борасидаги чора-тадбирларни амалга ошириш бўйича мувофиқлаштирувчи кенгаш томонидан амалга оширилади.

Уюлмаган ёшлар

Одатда ҳеч қаерда ўқимайдиган ва ишламайдиган йигит-қизлар тушинилади. Ёшларнинг меҳнат бозорида рақобатбардош эмаслиги уларнинг зарур кўникмаларга, иш тажрибасига эга эмаслиги билан изоҳланади.

Аёллар дафтари

Ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий, психологик қўллаб-қувватлашга, билим ва касб ўрганишга эҳтиёжи ва иштиёқи бўлган, ишсиз хотин-қизларнинг муаммоларини аниқлаш, бартараф этиш ва назоратини олиб бориш бўйича маълумотлар базаси.

“Аёллар маслаҳат кенгаши”

Ижтимоий ҳимояга муҳтож хотин-қизларнинг муаммоларини ўрганиш ва ҳал этишга кўмаклашиш, оилаларни мустаҳкамлаш ва уларнинг фарзанд тарбиясидаги ролини ҳамда ижтимоий фаоллигини оширишга қаратилган маслаҳатлар бериш, “одобли қиз”, “иффатли келин” ва “маърифатли аёл” ғояларини кенг тарғиб этиш мақсадида ҳар бир фуқаролар йиғинида ташкил этиладиган жамоатчилик асосида фаолият юритувчи тузилма;

“Аёллар дафтари”ни шакллантириш

Ҳар бир сектор кесимида маҳаллабай «Аёллар дафтари»га 30 ёшдан ошган қуйидаги тоифадаги хотин-қизлар киритилади:

- ижтимоий ҳимояга муҳтож ишсиз хотин-қизлар (бандлиги таъминланмаган, ишлаш истагида бўлган, даромад манбаига эга бўлмаган, шу жумладан, меҳнат қилиш қобилиятини қисман йўқотган, бироқ ишлаш иштиёқи бўлган хотин-қизлар);
- боқувчисини йўқотган эҳтиёжманд хотин-қизлар (боқувчиси бўлмаган, қўшимча моддий ёрдамга муҳтожлар);
- ижтимоий ёрдамга муҳтож I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган хотин-қизлар (меҳнатга қобилиятсиз, ўзгалар парваришига муҳтожлар);

- уй-жойини таъмирлашга муҳтож I гуруҳ ногиронлиги бўлган хотин-қизлар (меҳнат қилиш қобилиятини бутунлай йўқотган, ёлғиз яшайдиган, уй-жойини таъмирлаш имконияти бўлмаганлар);
- нотурар жойларда истиқомат қилаётган, ўзининг ёки биргаликда яшовчи оила аъзоларининг номида турар жой мавжуд бўлмаган хотин-қизлар (маъмурий бинолар, ертўлалар ва истиқомат қилиш мақсадларига мўлжалланмаган бошқа биноларда ёлғиз ёки оила аъзолари билан биргаликда яшаётган, шунингдек, доимий яшаш учун турар жойи бўлмаган ҳолда уй-жой шароитини яхшилашга муҳтожлар);
- қарамоғида бир ва ундан ортиқ I ёки II гуруҳ ногиронлиги бўлган болалари мавжуд ёлғиз аёллар;
- тиббий ҳимояга муҳтож эҳтиёжманд хотин-қизлар (ўзи ва биргаликда яшовчи оила аъзолари оғир ижтимоий вазиятда бўлган, сурункали ёки оғир ногиронликка олиб келувчи касалликка чалинган, ногиронлик гуруҳи белгиланмаган, етарли даромад манбаига эга бўлмаганлар);
- ҳуқуқий ёрдам олишга муҳтож хотин-қизлар (ҳуқуқий маслаҳат олиш истагида бўлган, ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилганлиги тўғрисида муурожаат қилганлар);
- психологик маслаҳатга муҳтож хотин-қизлар (тазйик ва зўравонликдан жабрланган, ижтимоий муаммолари мавжуд хотин-қизлар).

Хотин-қизларнинг муаммолари, эҳтиёжлари ва қизиқиш-лари қуйидаги шаклларда ўрганилади:

- секторлар ишчи гуруҳлари томонидан бириктирилган маҳаллаларда фуқаролар йиғинлари ходимлари ва фаоллари билан биргаликда барча йўналишдаги муаммоларни ҳар ярим йилда бир мартаба, бунда ярим

йиллик биринчи ойининг дастлабки 15 кунда уйма-уй юриш орқали;

- хотин-қизларнинг мурожаатларини, шу жумладан, «Аёллар маслаҳат кенгаши»га мурожаатларини кўриб чиқиш орқали;
- Ўрганиш давомида хотин-қизларнинг муаммолари, эҳтиёжлари ва қизиқишлари анкета-сўровномалар орқали аниқланади;
- Хотин-қизларнинг аниқланган муаммолари секторлар штаблари котиблари ва фуқаролар йиғини ходимлари томонидан хотин-қизларнинг шахсий индивидуал анкеталарига 3 кундан ошмаган муддатда киритилади.

“Аёллар дафтари”га киритилган хотин-қизларнинг бандлигини таъминлаш

- туман (шаҳар)лар ҳокимликлари, инвестиция бўлимлари, аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказлари, тижорат банклари билан ҳамкорликда тармоқ ва ҳудудий инвестиция дастурларига киритилган лойиҳаларда хотин-қизлар учун яратилаётган янги иш ўринларига ишга жойлаштириш;
- туман (шаҳар)лар ҳокимликлари аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказлари билан биргаликда мавжуд вакансия ва захира (квота) иш ўринларига ишга жойлаштириш ҳамда ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб қилиш;
- туман (шаҳар)лар ҳокимликлари аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказлари билан биргаликда кооперативларга жалб этиш;
- туман (шаҳар)лар ҳокимликлари, солиқ идоралари, тижорат банклари, аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказлари томонидан касб-ҳунарга ва тадбиркорликка ўқитишни ташкил этиш, тадбиркорликка жалб этиш, ўзини ўзи мустақил

равишда банд қилишни ривожлантиришга доир фаолиятни ташкил этиш орқали бандликка кўмаклашиш;

- ишсизлик нафақасини тайинлаш ва тўлаш чораларини кўриш.

“Аёллар дафтари”га киритилган хотин-қизларга томорқадан даромад манбаи сифатида фойдаланиш учун кўмаклашиш

- ✓ енгил конструкцияли иссиқхоналар ўрнатиш;
- ✓ парранда, асалари, қуён, балиқ ва бедана боқишни йўлга қўйиш;
- ✓ “Томорқа хизмати” ташкилотлари ва “Дала дўконлари”ни ташкил этиш.

“Аёллар дафтари”дан чиқариш тартиби

Хотин-қизлар куйидаги ҳолларда “Аёллар дафтари”дан чиқарилади:

- бандлиги таъминланган ёки доимий даромад манбаига эга бўлганда;
- бир марталик моддий ёрдам кўрсатиш орқали муаммоси ҳал этилганда;
- турар жой ижара компенсацияси белгиланган тартибда тўлаб берилганда;
- малакали тиббий хизмат кўрсатилганда;
- тўлиқ давлат таъминотига олинганда;
- аниқланган бошқа муаммолари қонуний ҳал этилганда;
- ўз аризасига кўра;
- «Аёллар дафтари»га ноқонуний киритиш ҳолати аниқланганда;
- бошқа давлатларга доимий яшаш учун чиқиб кетганда;
- суднинг озодликдан маҳрум этишни назарда тутувчи ҳукми қонуний кучга кирганда;
- хизматлар кўрсатиш бўйича иш олиб бориш имконини бермайдиган бошқа ҳолатлар юзага келганда;

■ шахс вафот этган тақдирда.
«Аёллар дафтари»га икки ва ундан ортиқ масалаларини ҳал этиш учун киритилган хотин-қизларнинг барча масалалари тўлиқ ҳал этилиши дафтардан чиқариш учун асос бўлади. Доимий ва вақтинча яшаш учун республиканинг бошқа ҳудудига кўчиб ўтганда, доимий яшаш ва вақтинча турар жойи бўйича рўйхатга олинган кундан бошлаб 15 кундан кечиктирмасдан «Аёллар дафтари»га тегишли ўзгартиришлар киритилади.

“Аёллар дафтари”га киритилган хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш бўйича ишларни мувофиқлаштириш

- маҳалла даражасида – туман (шаҳар) секторлари раҳбарлари, маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлимлари бошлиқлари;
- туман (шаҳар) даражасида – вилоят секторлари раҳбарлари, Касаба уюшмалари федерацияси ҳудудий бўлинмалари, Қорақалпоғистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш ҳудудий бошқармалари;
- вилоят даражасида – Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги, тегишли вазирлик ва идоралар;
- республика даражасида – Хотин-қизлар муаммоларини тизимли равишда ҳал этиш, уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича республика комиссияси томонидан амалга оширилади.

V. МЕҲНАТ МИГРАЦИЯСИГА БОҒЛИҚ АТАМАЛАР

Аҳоли миграцияси

Бу одамларнинг (мигрантларнинг) у ёки бу ҳудудлар чегараси орқали, яшаш жойини доимий ўзгартираётган ёки қисқа ёхуд узоқ муддатга ёки доимий тарзда келиб кетишини англатувчи кўчишидир;

Ички миграция

Мамлакат ҳудуди доирасида бир манзилгоҳдан иккинчи манзилгоҳга кўчаётган аҳоли тушунилади. Масалан, Ўзбекистон Республикаси ҳудуди доирасида аҳолининг кўчиши ички миграция ҳисобланади;

Миграция

Латинча “migratio” сўздан олинган бўлиб, “кўчиш” маъносини англатади;

Меҳнат миграцияси

Бу меҳнат фаолиятини ўз давлати ҳудидидан ташқарида амалга оширишдир. Одатда меҳнатга қобилиятли аҳолининг ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва жойлаштиришдаги ўзгаришлар билан боғлиқ мақоний кўчиб юриши тушунилади;

Меҳнат миграцияси турлари

1. Ички меҳнат миграцияси
2. Ташқи меҳнат миграцияси;

ташқи меҳнат миграцияси – дейилганда иш кучининг бир давлатдан бошқа давлатга кўчиб ўтиши тушунилади;

халқаро миграция – айнан иммиграция ва эмиграция каби тушунчалар хосдир;

эмиграция - аҳолининг бошқа мамлакатга доимий ёки вақтинчалик (узоқ муддатга) яшаш учун кўчишини (ихтиёрий ёки мажбурий) билдиради;

иммиграция - Аҳолининг бирор мамлакатга ишга жойлашиш ёки ўқиш учун доимий ёки вақтинчалик (одатда, узоқ муддат) яшаш учун кўчиб киришини билдиради;

Ташқи меҳнат миграцияси агентлиги

Ташқи меҳнат миграцияси агентлиги фуқароларга Ўзбекистон Республикасидан ташқарида ишга жойлаштириш учун қуйидаги хизматларни кўрсатишга доир фаолиятни амалга оширади:

- вақтинча меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун Ўзбекистон Республикасидан ташқарига чиқиб кетаётган Ўзбекистон Республикаси фуқароларига темир йўл чипталарини, авиачипталарни сотиб олишда ва бошқа транспорт-логистика масалаларини ҳал этишда кўмаклашиш;
- Ўзбекистон Республикасидан ташқарида ишга жойлашиш учун зарур ҳужжатлар тўпламини расмийлаштиришда кўмаклашиш, шу жумладан вақтинча меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун Ўзбекистон Республикасидан ташқарига чиқиб кетаётган Ўзбекистон Республикаси фуқароларини кетишдан олдин мослаштириш, касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш, уларга чет тилларни, ишлаб чиқаришлардаги хавфсизлик техникаси ва меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларини ўргатиш;

- жисмоний ва юридик шахсларнинг талабномаларига кўра Ташқи меҳнат миграцияси агентлиги ваколатхоналарининг иш жараёнида фойдаланилмаётган транспорт воситаларини жалб этиш орқали транспорт хизматлари кўрсатиш;
- Ўзбекистон Республикаси фуқароларини ва чет эллик фуқароларни меҳмонхона секторида жойлаштириш юзасидан шартнома асосида хизматлар кўрсатиш.

Лицензия

Юридик шахсларга Ўзбекистон Республикасидан ташқарида иш излаётган шахслар ишга жойлаштириш бўйича фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқини берадиган рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжат;

Ариза берувчи/лицензия талабгори/лицензиат

Ўзбекистон Республикасидан ташқарида иш излаётган шахслар ишга жойлаштириш бўйича фаолиятни амалга оширишни режалаштираётган юридик шахс;

Лицензия талаблари

Ўзбекистон Республикасидан ташқарида иш излаётган шахслар ишга жойлаштириш бўйича фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқини берадиган лицензияни олиш учун мазкур Низомда белгиланган талаблар;

Лицензияловчи орган

Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги;

Ишчи орган

Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги марказий апаратининг таркибий бўлинмаси (бўлинмалари).

Меҳнаткаш-мигрант

Бир Томон давлатининг фуқароси ҳисобланган, 18 ёшга тўлган, бошқа Томон мамлакати ҳудудига қонуний асосда келган ва унда қонуний асосида ҳақ тўланадиган меҳнат фаолиятини амалга оширадиган шахс;

Меҳнат фаолияти

Меҳнаткаш-мигрантнинг тузилган шартномага асосан, қабул қилувчи давлатнинг қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва шартларда амалга ошириладиган иш фаолияти;

Иш берувчи

Меҳнаткаш-мигрантлар билан тузилган шартномалар асосида, қабул қилувчи давлатнинг қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда меҳнаткашларнинг меҳнатидан фойдаланадиган юридик ёки жисмоний шахс;

Қабул қилувчи давлат

Меҳнаткаш-мигрант меҳнат фаолиятини амалга ошириш мақсадида ҳудудига келган Томон давлати.

Ҳалқаро меҳнат ташкилотининг таснифи бўйича меҳнат миграцияси қуйидаги турларга ажратилади:

шартнома асосида ишловчилар – бу ҳолда мигрантларни қабул қилувчи давлат томонидан уларнинг

мазкур мамлакатда бўлиш муддатлари аниқ белгилаб қўйилади;

малакали кадрлар миграцияси- Миграциянинг бу турига юқори малакали мутахассислар ёки ишчиларни имтиёзли тартибда (юқори иш ҳақи, бошқа имтиёзлар ҳисобига) ишга таклиф қилиниши мисол бўла олади;

ноқонуний миграция – бу ноқонуний равишда бошқа мамлакатларда меҳнат фаолияти билан шуғулланишдир;

кочоклар – миграциянинг бу тоифасига ҳаёти хавф остида қолиши оқибатида бошқа жойларга кўчишга мажбур бўлганлар киради;

Хусусий бандлик агентликлари

Қонунчилик палатаси томонидан 2018 йил 6 сентябрда қабул қилинган Сенат томонидан 2018 йил 27 сентябрда маъқуллаган 2018 йил 16 октябр Ўзбекистон Республикаси 501-сон "Хусусий бандлик агентликлари тўғрисида"ги Қонуни

- Ўзбекистон Республикаси ҳудудида иш қидираётган шахсларга иш танлаш;
- Иш берувчилар учун кадрлар танлаш;
- Ўзбекистон Республикасидан ташқаридаги ишни қидираётган шахсларни ишга жойлаштириш;
- Ишга жойлаштириш соҳасида ахборот ва маслаҳат хизматлари.

Халқаро миграция ташкилоти

Бугун дунёдаги миграция оқимларини тартибга солиш мақсадида халқаро даражада миграция хизматлари кўрсатиш зарурати юзага келганлиги муносабати билан 1951 йилда Халқаро миграция ташкилотига асос солинган. Хозирги кунда 166 та давлат аъзо бўлиб 13 та мамлакат

кузатувчи мақомига эга. Ўзбекистон Республикаси 2018 йилда Халқаро миграция ташкилотига аъзо бўлди.

VI. ИШСИЗЛИКНИ ИФОДА ЭТУВЧИ АТАМАЛАР

Ишсизлик

Меҳнат бозорида талабга эга бўлмаган меҳнатга лаёқатли ишчи кучининг мавжудлиги;

Иш қидираётган шахс

Ишга жойлашишга кўмаклашиш учун маҳаллий меҳнат органларига мурожаат қилган ва маҳаллий меҳнат органида иш қидираётган шахс сифатида рўйхатга олинган шахс;

Иш қидираётган шахсларни ишга жойлаштириш тартиби:

- Иш қидираётган шахс ишга жойлашишга доир йўлланмани ёки ишга жойлашишга кўмаклашиши юзасидан мурожаатномани олган кундан эътиборан уч кунлик муддатдан кечиктирмай ишга жойлашишга доир йўлланмада ёки ишга жойлашишга кўмаклашиш юзасидан мурожаатномада кўрсатилган манзилга мурожаат этиши шарт;
- Ташкилот иш қидираётган шахсни ишга жойлаштиришга доир йўлланма бўйича ишга қабул қилган ва у билан меҳнат шартномаси тузган тақдирда, ишга жойлаштиришга доир йўлланма тақдим этилган кундан эътиборан беш кундан кечиктирмай йўлланма берган маҳаллий меҳнат органига ушбу шахс ишга жойлаштирилганлиги тўғрисидаги хабарнома билан бирга йўлланманинг қирқиб олинадиган талонини юбориши шарт;
- Агар ишга жойлаштиришга доир йўлланма иш берувчига электрон тарзда юборилган бўлса, иш берувчи маҳаллий меҳнат органига ишга

жойлаштирилганлик тўғрисидаги хабарномани электрон шаклда юборади;

- Ишга жойлаштириш рад этилган тақдирда, йиртиб олинadиган талонда рад этиш сабабларининг асосий сабаби кўрсатилади ва маҳаллий меҳнат органига тақдим этиш учун иш қидираётган шахсга қайтариб берилади;
- Рад этилган йўлланма талони фуқаро томонидан ушбу йўлланмани берган маҳаллий меҳнат органига ёки комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича секторга, фуқароларни ўзини ўзи бошқариш органига бириктирилган ходимга уч кунлик муддатда қайтариб бериши шарт, Қайтариб берилган талон тўғрисидаги маълумотлар ва ишга жойлашишни рад этиш сабаблари маҳаллий меҳнат органи ходими томонидан “Бандлик хизмати” ахборот тизимида киритилади;
- Мулкчиликнинг нодавлат шаклидаги ташкилотлар, тадбиркорлик субъектлари иш қидираётган шахсни ишга жойлашишга кўмаклашиш юзасидан мурожаатнома бўйича ишга қабул қилган ва у билан меҳнат шартномаси тузган тақдирда, маҳаллий меҳнат органини хабардор қилади;
- Мақбул келадиган ишга доир таклифлар мавжуд бўлмаган ва ишга жойлаштириш имконияти бўлмаган тақдирда, иш қидираётган шахс ишсиз деб эътироф этилади ҳамда унга ишсизлик нафақаси тайинланади;

Иш қидираётган шахслар сифатида маҳаллий меҳнат органларида рўйхатга олиниши лозим бўлган шахсларнинг тоифалари:

- Ишга ёки иш ҳақи (меҳнат даромади) келтирадиган машғуотга эга бўлмаган, ўн олти ёшдан катта бўлган шахслар;

- Меҳнат шартномаси (меҳнат кодексининг тегишли моддаларида кўрсатилган ҳолатлар бўйича) келгусида бекор қилиниши тўғрисида огоҳлантирилган шахслар;
- Тиббий-меҳнат эксперт комиссияси хулосасига кўра меҳнат фаолиятини амалга ошириш имкониятига эга ногиронлиги бўлган шахслар;
- Ёшидан қатъи назар, меҳнат фаолиятини қайта тикламоқчи (давом эттирмақчи) бўлган пенсионерлар;
- Иш жойини ёки касбини ўзгартиришни хоҳловчи шахслар;
- Доимий иш жойига эга бўлишни хоҳловчи, бир марталик, вақтинча ва мавсумий ишларда банд бўлган шахслар;
- Ҳақ тўланадиган жамоат ишларида ва қишлоқ хўжалигида мавсумий ишларда иштирок этишни хоҳловчи шахслар;
- Ишга жойлашишга муҳтож бўлган шахсларнинг бошқа тоифалари ҳам иш қидираётган шахслар маҳаллий меҳнат органларида рўйхатга олинishi мумкин;

Ишсиз шахслар

Ишга ва иш ҳақи (меҳнат даромади) келтирадиган машғулотга эга бўлмаган, иш қидираётган ҳамда ишга киришишга тайёр бўлган, ишсиз шахслар деб эътироф этилган ўн олти ёшдан то пенсия таъминоти ҳуқуқини олиш ёшигача бўлган меҳнатга лаёқатли шахслар;

Ишсизлик даражаси

Жами ишсизлар, ёки ишга жойлаштиришга муҳтож меҳнат билан банд бўлмаган аҳолини иқтисодий фаол аҳолига нисбати, фоизда ҳисобланади;

Ишсизлар, ёки ишга жойлаштиришга муҳтож меҳнат билан банд бўлмаган аҳоли

Қонун ҳужжатларига мувофиқ расман ишсиз сифатида рўйхатдан ўтказилган шахслар, шунингдек, ҳақ тўланадиган ишга ёки даромад келтирувчи машғулотга эга бўлмаган, мустақил равишда иш изловчи ва бундай иш таклиф этилса, ишга жойлашишга тайёр бўлган меҳнатга лаёқатли ёшдаги вақтинча меҳнат билан банд бўлмаган шахслар.

Расмий равишда рўйхатга олинган ишсизлар

16 ёшдан пенсия билан таъминланиш ҳуқуқини олиш ёшигача бўлган, меҳнат органларида иш қидирувчи, ишлашга, касб бўйича тайёргарликдан ва қайта тайёргарликдан ўтишга, малака оширишга тайёр шахс сифатида рўйхатга олинган шахслар.

Куйидагилар ишсиз деб эътироф этилмайди:

- таклиф этилган мақбул келадиган ишни иш қидираётган шахс сифатида рўйхатга олинган кундан эътиборан ўн кун ичида узрли сабабсиз икки марта рад этган шахслар;
- маҳаллий меҳнат органига (ёки ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан комплекс ривожлантириш бўйича секторга, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органига бириктирилган маҳаллий меҳнат органи ходими ҳузурига) мақбул келадиган иш юзасидан таклиф олиш учун иш қидираётган шахс сифатида рўйхатга олинган кундан эътиборан ўн кун ичида узрли сабабсиз келмаган шахслар;
- таълим муассасаларида ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда таҳсил олаётган шахслар, бундан таълимнинг сиртқи шаклида таҳсил олаётганлар мустасно;
- ёшидан ва оладиган пенсияси туридан қатъи назар, ногиронлиги бўлган шахслар ва пенсионерлар, шунингдек қонун ҳужжатларига мувофиқ пенсия таъминоти ҳуқуқи юзага келган шахслар, ҳатто ушбу шахслар томонидан пенсия расмийлаштирилмаган ҳолда ҳам;

- бола икки ёшга тўлгунига қадар уни парвариш қилаётган, ишламаётган аёллар;
 - ишини ўзгартирмоқчи бўлган, лекин маҳаллий меҳнат органларида рўйхатдан ўтиш пайтида, ташкилий-ҳуқуқий шаклидан қатъи назар, ташкилотларда ишловчи ёки уларнинг штатида ҳисобда турувчи шахслар;
 - ахлоқ тузатиш ишлари тарзидаги жазога ҳукм қилинганлар;
 - фермер хўжаликларининг раҳбарлари ва ходимлари, оилавий корхоналарнинг иштирокчилари, деҳқон хўжаликларининг раҳбарлари ва аъзолари, шунингдек яқка тартибдаги тадбиркорлар;
 - вақтинчалик меҳнат гувоҳномасига эга бўлган шахслар.

Ишсизлик нафақаси

Ишсиз шахсларни давлат томонидан кафолатланган тарзда пул шаклида қўллаб-қувватлаш тури;

Ишсизлик нафақаси

16 ёшдан то пенсия ёшигача даромадга эга бўлмаган, иш қидираётган шахсларга **6 ойгача** тайинланади. **(180,0 минг сўмдан 239,1 минг сўмгача, 2021 йил 20 январдан 509,4-679,3 минг сўм):**

- Ишдан ва иш ҳақидан охирги **12 ой ичида** маҳрум бўлган шахсларга ўртача иш ҳақининг **50,0%** миқдорида (*Ойлик маошдан келиб чиқади*);
- Ҳарбий хизматдан, Ички ишлар ва бошқа давлат органларидан бўшатишган шахсларга меҳнатга ҳақ тўлаш энг кам миқдорининг **35,2%** миқдорида;
- Биринчи марта иш қидираётган шахсларга меҳнатга ҳақ тўлаш энг кам миқдорининг **26,5%** миқдорида;
- Узоқ танаффусдан кейин иш қидираётган шахсларга: мутахассислиги бўлган меҳнатга ҳақ тўлаш энг кам миқдорининг **35,2%** дан кам бўлмаган миқдорида;

- Узоқ танаффусдан кейин иш қидираётган шахсларга: мутахассислиги бўлмаган меҳнатга ҳақ тўлаш энг кам миқдорининг **26,5%** миқдорда;
- Касбга тайёрлашдан ўтган, малака оширишни тугатган шахсларга меҳнатга ҳақ тўлаш энг кам миқдорининг **35,2%** дан кам бўлмаган миқдорда.

Иш ўринларини ташкил этишга доир давлат буюртмаси

Иш берувчиларга иш қидираётган шахсларни ва ишсиз шахсларни ишга жойлаштириш учун талаб этиладиган ташкилий-техник шартларга мувофиқ, муайян сондаги иш ўринларини ташкил этиш учун бериладиган буюртма;

Якка тартибдаги тадбиркорнинг иш жойи

Жисмоний шахс томонидан даромад келтирувчи ишларни бажариш мақсадида, ходимларни лавозимга ишга қабул қилмасдан, ўзини ўзи иш билан банд қилиш учун яратилган ва белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган иш жойи ҳисобланади;

Оилавий корхона иш ўринлари

Оила аъзолари томонидан уйда товар ишлаб чиқариш (хизмат кўрсатиш) ва уларни реализация қилиш (сотиш) учун юридик шахсни шакллантирмасдан, меҳнат шартномаси тузмасдан ходимлар сифатида уй аъзоларини жалб қилган ҳолда қўшма тадбиркорлик фаолияти асосида яратилган иш ўринлар ҳисобланади.

Мақбул келадиган иш

Фуқаро бажаришга қодир бўлган, фуқаронинг олган маълумоти йўналиши ва ихтисослигига, малакасига, касбий тайёргарлигига, иш тажрибасига, соғлиғининг ҳолатига кўра мос келадиган, яшаш жойини ўзгартиришини назарда

тутмайдиган, унинг доимий яшаш жойидан унчалик узоқ бўлмаган ҳамда меҳнатга ҳақ тўлашнинг белгиланган энг кам миқдоридан кам бўлмаган иш ҳақини кафолатлайдиган иш;

Мақбул келадиган иш:

- дастлабки касбий тайёргарликни талаб қилмайдиган иш, бундай ишни топиб бериш имконияти бўлмаган тақдирда эса биринчи марта иш қидираётган, касбга (мутахассисликка) эга бўлмаган шахсларнинг ёшга доир ва бошқа хусусиятлари ҳисобга олинган ҳолда ҳақ тўланадиган бошқа иш, шу жумладан вақтинчалик хусусиятга эга бўлган иш ушбу шахслар учун мақбул келадиган иш ҳисобланади;
- ишдан ва иш ҳақидан (меҳнат даромадидан) маҳрум бўлган шахслар учун уларнинг касбий тайёргарлиги мос бўлган, ёши, соғлигининг ҳолати, меҳнат стажи ва аввалги касби (мутахассислиги) бўйича иш тажрибаси инobatга олинадиган иш мақбул келадиган иш ҳисобланади;
- Ишсизлик нафақасини олиш даври тугаганидан сўнг касби (мутахассислиги) бўйича иш топиб бериш имкони бўлмаган тақдирда, ишсиз шахснинг қобилияти, соғлиги ҳолати, илгари иш тажрибаси ва унинг учун қулай бўлган ўқитиш воситалари инobatга олинган ҳолда касбини (мутахассислигини) ўзгартиришини талаб қиладиган иш мақбул келадиган иш деб ҳисобланиши мумкин;

↪ Қуйидаги ҳолларда иш мақбул келадиган иш деб ҳисобланмайди:

- яшаш жойини ўзгартириш билан боғлиқ бўлса;
- доимий яшаш жойидан анча узоқ бўлса ва транспортда қатнаш жиҳатдан қулай бўлмаса;

- соғлиқ ҳолатига, ёшга ва бошқа узрли сабабларга кўра мавжуд бўлган қарши кўрсатмалар билан асосланган бўлса;

Меҳнат органлари

Қорақалпоғистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бандлик бош бошқармалари (бундан буён матнда ҳудудий меҳнат органлари деб юритилади) туманлар (шаҳарлар) аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказлари (бундан буён матнда маҳаллий меҳнат органлари деб юритилади);

Меҳнат органлари томонидан ишсиз фуқароларга бандлик соҳасида кўрсатиладиган хизматлар:

- Ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб қилинган ҳар бир фуқарога Базавий ҳисоблаш миқдори (БҲМ)нинг 5 бараваригача миқдорда ҳақ тўланади (2021 йил 20 январдан *679,3 минг сўмдан 1358,6 минг сўмгача*)
- Аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази томонидан қуйидаги субсидиялар ажратилади:
 - енгил конструкцияли иссиқхоналар ўрнатиш учун – БҲМ нинг 30 бараваригача (*2021 йил 1 февралдан 7,35 млн.сўм*);
 - суғориш воситалари харид қилиш учун – БҲМ нинг 10 бараваригача (*2,45 млн.сўм*);
- уруғликлар ва кўчатлар сотиб олиш учун – БҲМ нинг 3 бараваригача (*735,0 минг.сўм*).
- Тадбиркорлик қилишни хоҳловчиларга - рўйхатдан ўтиш, тадбиркорликка ўқитиш ва кредит олишда суғурта полиси тўлови учун БҲМ нинг 10 бараваригача миқдорида субсидия ажратилади (*2,5 млн.сўмгача*);
- Тикувчилик, хунармандчилик, асаларичилик, балиқчилик, қуёнчилик, паррандачилик ва бошқа

қишлоқ хўжалиги бирлашмаси кооперативга ҳар бир аъзо бўлган ишсиз фуқаронинг улуши учун БХМ нинг 10 баравари миқдорида субсидия ажратилади (2,45 млн.сўмгача);

- Ишсиз шахслар касбга ўқитилади, қайта тайёрланади ва малакасини оширилади ҳамда ўқиш даврида стипендия тўланади (2021 йил 20 январдан 509,4-679,3 минг сўм);
- Меҳнат органларидан рўйхатдан ўтган ишсиз фуқароларни белгиланган тартибда ишсиз деб эътироф этилган фуқароларга ишсизлик нафақаси тайинланади (180-239,1 минг сўм, 2021 йил 20 январдан 509,4-679,3 минг сўм);

Меҳнат органлари томонидан иш берувчиларга бандлик соҳасида кўрсатиладиган хизматлар:

- Жамоат ишларини ташкил этган иш берувчиларга (*мулкчилик шаклидан қатъий назар*) жамоат ишларига жалб қилган ҳар бир ходимининг иш ҳақи тўлови Жамоат ишлари жамғармаси ҳисобидан (*бюджет 100%, нодавлат ташкилотлар 50%*) молиялаштириб берилади (557,5-1115,0 минг сўмгача);
- Меҳнат органлари йўлланмаси билан ишга қабул қилинган ходимни касбга ўргатиш ва малакасини ошириш харажатлари учун ҳар бир ходим учун 6 ой давомида ҳар ойда БХМнинг 4 бараваригача миқдорда субсидия ажратилади (980,0 минг сўмгача);
- Банд қилинган (квота) иш ўрнидан ортиқ миқдорда ижтимоий ҳимояга муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга қабул қилган ҳар бир ходим учун 12 ой давомида ҳар ойда БХМнинг 2 баравари миқдорида субсидия ажратилади (490,0 минг сўм)

- Банд бўлмаган шахсларни, айниқса, меҳнат миграциясидан қайтган фуқаролар, кам таъминланган оилаларда яшовчи хотин-қизларни касбга қайта ўқитишга сарфланадиган харажатларни грант ажратиш орқали молиялаштириш (*танлов асосида*);
- Касб-ҳунарга ўқитиш марказлари, коллежлар ва олий ўқув юртларида касб-ҳунарга тайёрлаш, агротехнология, боғдорчилик, сабзавотчилик, чорвачилик, паррандачилик, балиқчилик ҳамда асаларичилик соҳасида фермер ва деҳқон хўжалиқларининг раҳбарлари ва ишчилари ҳамда томорқа ер эгаларини қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни грант ажратиш орқали молиялаштирилади (*танлов асосида*);
- Хунармандларга ишсизларни, айниқса ёшларни “Уста-шоғирд” тизими бўйича миллий ва бадий хунармандчилик касбига ўқитиш харажатларини қоплаб берилади (*хунармандга ҳар бир шоғирд учун 111 минг сўм, ишсизга 180-239,1 минг сўм, 2021 йил 20 январдан 509,4-679,3 минг сўм стипендия тўланади*);

Фуқароларни ишсиз деб эътироф этиш тартиби;

- Ўн олти ёшдан то пенсия таъминоти ҳуқуқини олиш ёшигача бўлган, ҳақ тўланадиган ишга ёки иш ҳақи (меҳнат даромади) келтирадиган машғулотга эга бўлмаган, иш қидираётган ва иш таклиф этилса, унга киришишга тайёр бўлган ёхуд касбга тайёрлашдан, қайта тайёрлашдан ўтишга ёки малакасини оширишга тайёр бўлган, ишга жойлашишда кўмаклашиш учун маҳаллий меҳнат органларига мурожаат қилган ва иш қидираётган шахслар сифатида рўйхатга олинган меҳнатга лаёқатли шахслар (бундан таълим муассасаларида таълим олаётганлар мустасно) ишсизлар деб эътироф этилади;

- Агар иш қидираётган шахсга у рўйхатга олинган кундан эътиборан дастлабки ўн кун ичида мақбул келадиган иш таклиф этилмаган бўлса ёки маҳаллий меҳнат органи мазкур шахс ишга жойлаштириш учун юборилган ташкилотдан рад жавобини олган бўлса, иш қидираётган шахсни ишсиз деб эътироф этиш тўғрисидаги қарор у иш қидираётган шахс сифатида рўйхатга олинган кундан эътиборан ўн биринчи кундан кечиктирмай маҳаллий меҳнат органи томонидан қабул қилинади;
- Иш қидираётган шахсни ишсиз деб эътироф этиш тўғрисидаги қарор маҳаллий меҳнат органининг буйруғи билан расмийлаштирилади, ушбу буйруқ бир вақтнинг ўзида ишсизлик нафақаси тайинлаш тўғрисидаги буйруқ ҳисобланади. Буйруқда ишсизлик нафақасининг миқдори ва уни ҳисоблаш санаси кўрсатилади;
- Ишсиз деб эътироф этилган фуқаро қабул қилинган қарор тўғрисида мазкур қарор қабул қилинганидан кейин икки кунлик муддатдан кечиктирмай ёзма равишда ёки телефон, электрон почта орқали хабардор қилинади. Иш қидираётган шахсни ишсиз деб эътироф этиш чоғида меҳнат дафтарчасига ёзув қайд этилмайди. Ишсиз шахс ўзига хизмат кўрсатилганда иш қидираётган фуқаро сўровномасини ўзининг имзоси ёки электрон рақамли имзоси ёхуд хизмат кўрсатилганлиги ҳақидаги СМС тасдиқномаси билан тасдиқлайди;
- Ишсиз деб эътироф этилган шахслар бепул маслаҳат олиш, касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малака ошириш хизматларини олиш, шунингдек маҳаллий меҳнат органлари кўмагида ишга жойлашиш ҳуқуқига эга;

VII. КАСБ-ҲУНАРГА ТАЪЛУҚЛИ АТАМАЛАР

Касб

Инсоннинг касбий тайёргарлик натижасида эгалланган ва таълим тўғрисидаги тегишли ҳужжатлар ёки махсус тайёргарликдан ўтганлиги билан тасдиқланган, муайян билим, маҳорат ва амалий кўникмаларни талаб этувчи асосий меҳнат фаолияти, машғулотлар тури;

Касбий малака ва билимларни ривожлантириш миллий тизими

Меҳнат бозорининг малакали ходимларга бўлган ҳақиқий эҳтиёжлари ҳамда малакали ишчи кучига оид таклифлар таълим ва касбга ўқитиш тизими томонидан мақбул тарзда келишиб олинишини таъминловчи ҳуқуқий ва институционал жиҳатдан тартибга солиш механизмлари йиғиндиси;

Касбий стандарт

Малака ва билимнинг даражасига, меҳнатнинг мазмунига, сифатига ва шарт-шароитларига доир талабларни белгилайдиган, асосий меҳнат вазифалари тавсифини ва уларни бажариш шартларини ўз ичига олган стандарт;

Касб касаллиги

Ходимнинг унга зарарли ишлаб чиқариш омили ёки хавfli ишлаб чиқариш омили таъсири натижасида юзага келган ва унинг касбга оид меҳнат қобилиятини вақтинча ёхуд турғун йўқотишига сабаб бўлган ўткир ёки сурункали касаллиги;

Касаба уюшмаларининг асосий вазифалари

Иш ўринларида ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш Меҳнат хавфсизлиги ва шароитларининг яхшиланиши жамиятдаги муаммоларга ўз нуқтаи-назарларини ифода этиш;

Касб стандарти

Асосий меҳнат функциялари ва уларни бажариш шароитларини ифодаловчи, кўникма даражасига меҳнат мазмуни, сифати ва шароитларига талабларни белгиловчи стандарт;

Касбга ўқитиш

Муайян меҳнат функцияларини бажариш учун ўқувчига зарур бўлган билим, маҳорат ва кўникмаларни эгаллашга қаратилган таълим тури;

Ишсизлар ва банд бўлмаган аҳолини касб-хунарга ўқитиш маркази

Ишсизлар ва банд бўлмаган аҳолини ўқитиш, малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш бўйича фаолиятни амалга оширувчи юридик шахс;

Ишсизлар ва банд бўлмаган аҳолини касбга тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, малакасини ошириш параметрлари

Ишсизлар ва банд бўлмаган аҳолини касбга ўқитиш, қайта ўқитиш ва малакасини ошириш ҳамда фуқароларнинг касбий малакасини баҳолаш ва тасдиқлашнинг меҳнат органлари ҳамда касб-хунарга ўқитиш марказлари, бошқа таълим муассасалари ва компетенцияларни баҳолаш марказлари билан тўғридан тўғри шартномалар, шунингдек, грантлар орқали белгиланган талабларга мувофиқ

Ўзбекистон Республикаси Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси ҳисобидан амалга оширилиш кўрсаткичлари;

Касбга ўқитишга давлат буюртмаси куйидаги ўқитиш турлари бўйича амалга оширилади:

узоқ муддатли ўқитиш — ўқув жараёни 30 — 40 ҳафта давом этади;

ўрта муддатли ўқитиш — ўқув жараёни 5 — 25 ҳафта давом этади;

қисқа муддатли ўқитиш — ўқув жараёни 4 ҳафтагача давом этади;

↪ Иш берувчиларда ўқитиш

Ўқув жараёни иш берувчиларда иш фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ бўлиб, 25 ҳафтагача давом этади;

↪ Узоқ муддатли ўқитиш

Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги тузилмасига кирувчи касб-хунарга ўқитиш марказларини сақлаш ва моддий-техник ривожлантириш, ҳар бирининг белгиланган қувватига мувофиқ фаолият юритиши харажатларидан келиб чиқиб;

↪ Ўрта муддатли ўқитиш

Касб-хунарга ўқитиш марказларида касбга ўқитиш учун 1 та ўқувчига грант ажратиш ҳисобига, узоқ муддатли ўқитишга ўртача харажатларнинг 75 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда;

↪ Қисқа муддатли ўқитиш

Касб-хунарга ўқитиш марказларида касбга ўқитиш учун 1 та ўқувчига грант ажратиш, узоқ муддатли ўқитишга ўртача харажатларнинг 10 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда;

↪ Иш берувчида ўқитиш

Кейинчалик ишга жойлаштириш шарти билан иш берувчида касбга ўқитишга 1 ўқувчига грант ажратиш ҳисобига, базавий ҳисоблаш миқдорининг 4 баробаридан ортик бўлмаган миқдорда;

↪ **Мақсадли ўқитиш**

Касб-хунарга ўқитиш марказларида касбга ўқитиш бўйича тўлиқ курсга ваколатли орган томонидан белгиланган миқдор ва ҳажмларда ҳақ тўлаш.

Касб-хунарга ўқитишнинг рағбат механизмлари:

- Иш берувчи талабномаси асосида ўқиш ишсиз фуқаролар учун мутлақо бепул ва ўқиш даврида стипендия тўланади.
- 3-6 ойлик ўқув курси якунига кўра битирувчига ўрта-махсус диплом даражасига тенглаштирилган сертификат ва Skills passport берилади.
- Ўқув курсини тамомлаган битирувчига меҳнат органлари томонидан ишга жойлаштириш учун йўлланма берилади.
- Тадбиркорлик ўқув курсларини тамомлаган битирувчига ўз бизнесини бошлаши учун субсидиялар ажратилади.
- Битирувчига ўзини ўзи банд қилиши учун эгаллаган касби бўйича меҳнат куруллари ва жиҳозлар сотиб олиш ҳамда хунарманд уюшмасига аъзолик бадалини тўлаш учун субсидиялар ажратилади
- Битирувчига тадбиркорлик мақсадида тижорат банкларидан кредит олиш учун махсус тавсияномалар берилади
- Агробизнес ўқув курсларини тамомлаган битирувчиларга томорқасида банд бўлиши ҳамда кооперативлар устав фондига улуш сифатида кириш учун субсидиялар ажратилади.

Меҳнат бозорининг реал эҳтиёжларидан келиб чиқиб касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш механизми:

- АБКМ томонидан меҳнат бозорида талаб юқори бўлган касблар аниқланади. Касбга ўқитишга эҳтиёж параметрлари белгиланади. Ишсиз, эҳтиёжманд (“Темир дафтар”да рўйхатда турган) фуқароларнинг касб ўрганишга эҳтиёжи ва мойиллиги аниқланади.
- АБКМ ҳудуддаги касбга ўқитилиши мўлжалланган давлат ёки нодавлат касб-ҳунар муассасаси билан шартнома тузади (*танлов асосида*).
- АБКМ касбга ўқитиш учун ишсизларга йўлланма беради, ўқув муассасалари ўқишга қабул қилинганлиги тўғрисида буйруқ чиқаради ва касбга ўқитади.
- Ўқув гуруҳларидаги тингловчилар сони 10 нафардан 30 нафаргача бўлиши мумкин. (Пандемия даврида ўқув гуруҳидаги талабалар сони 10 кишидан ошмаслиги керак).
- Якка (индивидуал) тартибда ҳам амалга оширилиши мумкин. Якка тартибда ўқитиш турларига миллий ҳунармандчилик касбларига «Уста-шоғирд» усулида ўргатиш киради;
- Касбга тайёрлаш муддати, одатда, 6 (олти) ойдан ошмаслиги керак. Касбга тайёрлаш жараёни малака имтиҳони топшириш билан якунланади.
- Касбга ўқитилган шахсларга таълим муассасаси ва корхоналарнинг ўқув бўлинмалари томонидан тегишли ҳужжат (гувоҳнома, сертификат ёки диплом) берилади.
- АБКМ орқали касбга ўқитилган шахсларга Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармасидан БХМнинг бир баравари миқдорида (*509,0-679,3 минг сўм*) стипендия тўланади.
- Сектор раҳбари, МФЙ ва АБКМ ҳамкорликда касбга ўқитилган ишсиз фуқарони бандлигини таъминлашга кўмаклашади;

Аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази йўлланмаси бўйича ишга қабул қилинган ходимларнинг малакасини ошириш учун субсидия ажратиш:

- Ишсиз фуқаро АБКМга мурожаат қилади ва бўш иш ўринига йўлланма асосида ишга жойлашади;
- АБКМ йўлланмаси асосида ишга қабул қилинган ходимларни малакасини ошириш иш берувчи томонидан субсидия ажратилишини сўраб АБКМга мурожаат қилади;
- АБКМ иш берувчининг субсидия ажратилиши бўйича мурожаатини 5 иш куни ичида ўрганиб чиқади;
- Ҳақиқатда АБКМ йўлланмаси орқали ходим ишга олинган бўлса, ушбу ходимни малакасини ошириши учун субсидия ажратиш тўғрисида АБКМнинг буйруғи расмийлаштирилади;
- АБКМ иш берувчи ташкилотга ходимнинг малакасини ошириш турига қараб 2 ойдан 6 ойгача давомида ҳар ойда БҲМнинг 4 бараваригача миқдорда субсидия ажратади;
- Ходимни малака ошириш муддати яқунлангандан сўнг иш берувчи 5 кун ичида барча субсидия ҳисобидан амалга оширилган ҳаражатлар миқдорини тасдиқловчи ҳужжатларни АБКМга тақдим этади;

Аккредитация

Ваколатли орган томонидан ўзининг компетенцияларини белгиланган талаблар ва муддатлар бўйича ҳақ-ҳуқуқларини расман тан олиш;

Компетенция

Ходимнинг касбий фаолиятда билимлар, кўникмалар, маҳорат ва тажрибани қўллаш қобилияти ва расмийлаштирилган талаблар;

Компетенция тўғрисидаги сертификат

Ишчиларга малака разрядларини ва мутахассисларга малака тоифаларини бериш бўйича касб стандарти (ёки малака талаби) билан кўзда тутилган тегишли малака даражасининг берилгани ва компетенциянинг ижобий баҳоланганини тасдиқловчи ҳужжат;

Компетенцияларни баҳолаш маркази

Талабгорлар компетенциясини баҳолашни ўтказиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи юридик шахс;

Кўникмаларни баҳолаш

Ходим ёки ишга (касбга) талабгор малакасининг касб стандарти қоидаларига ёки малакавий талабларга мослигини тасдиқлаш тартиби;

Кўникмалар

Инсоннинг муайян меҳнат функцияларини бажаришга қобилиятини ифодаловчи, таълим жараёнида ёки шахсий тажриба орқали эгалланган сифати (маҳорати);

Кўникмани баҳолашдан ўтказиш учун баҳолаш воситалари

Касбий имтиҳонни ўтказишда компетенцияларни баҳолаш маркази томонидан қўлланиладиган топшириқлар, баҳолаш мезонлари мажмуи;

Малака

Ходимнинг ёки иш изловчининг, тегишли касб (мутахассислик) бўйича унга меҳнат вазифаларини сифатли бажариш имконини берадиган тайёргарлиги, билимлари, маҳорати ва кўникмалари даражаси;

Малакани баҳолаш

Ходим ёки иш изловчи малакасининг касбий стандарт талабларига мувофиқлигини тасдиқлаш тартиб-таомили;

Баҳолаш усуллари

Касбий имтиҳонни ўтказишда компетенцияларни баҳолаш марказлари томонидан қўлланиладиган ва ходим ёки ишга (касбга) талабгорнинг белгиланган мезон ва касб стандартларига мослигини аниқлашга қаратилган усуллар мажмуаси;

Билимлар

Ўқитиш ва шахсий тажриба орқали меҳнат фаолияти учун аҳамиятли маълумотни ўзлаштириш натижаси;

“УСТА-ШОГИРД” усулида ўқитиш механизми:

- АБКМ “Уста-шогирд” тизими бўйича касбга ўқишга эҳтиёжи бўлган ишсизлар рўйхати (камбағал ва банд бўлмаган аҳоли рўйхати асосида) шакллантирилади.
- АБКМ ва “Хунарманд” уюшмаси ҳамкорлигида тумандаги хунармандчиликнинг асосий турлари бўйича хунармандларнинг рўйхати тузилади.
- Ишсиз фуқаролар касб турлари ва хоҳишларига кўра, “Хунарманд” уюшмасидан расман рўйхатдан ўтган, хунармандларга бириктирилади.
- Хунарманднинг ўқув устахонаси куввати, касб хусусиятига кўра шогирдлар усталарга бириктирилади, бунда карантин талабларига кўра, **ўқувчилар сони 10 тадан** ортиб кетмаслиги керак.
- АБКМ, ишсиз фуқаролар (шогирдлар) ва уста-хунарманд ўртасида хунар ўргатиш бўйича барча зарурий шартлари ва ўқиш муддатлари кўрсатилиб **3 томонлама шартнома** тузилади.

- Шартномада АБКМ уста-хунармандга хунар ўргатиш давридаги хом-ашё сарфи, коммунал харажатлари ҳисобга олинган ҳар ойлик тўлов миқдори кўрсатилади. Бунда, тўлов миқдори жалб этилган *ҳар бир шогирд учун БХМнинг 50% гача (122,5 минг сўм)* миқдорда тўланади.
- Касбга ўқитиш муддати **6 ойгача**.
- Ишсиз фуқаролар бир вақтнинг ўзида АБКМда “Ишсиз” сифатида рўйхатда туради ва хунар ўрганиш даврида уларга БХМнинг бир баравари миқдорида (*245,0 минг сўм*) стипендия тўлаб берилади.
- Ўқитиш натижаси бўйича фуқаро (шогирд)га “Хунарманд” уюшмасидан шогирд мақомига эга бўлганлиги ҳақида **гувоҳнома берилади**.
- АБКМ уста-хунарманд тайёрлаган шогирдларнинг ўқиш якуни билан ўзини-ўзи банд қилганлиги кўрсаткичи ҳисобини юритади. Кўрсаткич уста-хунармандга навбатдаги **3 томонлама шартнома** тузилишида устунлик беради.

VIII. МЕҲНАТ БОЗОРИГА ТАЪЛУҚЛИ АТАМАЛАР

Меҳнат бозори

Иш кучи билан ишчи кучига бўлган талаб учрашган жой;

Меҳнат бозори

Ҳар қандай бозордагидек сотувчи ва харидорлардан иборат. Бунда сотувчилар – иш қидирувчилар ва ишсизлар, харидорлар эса – иш берувчилар, корхона ва ташкилотлар. Муайян вақтда меҳнат бозорида битта ёки кўплаб одамлар ишни излаши ва айти шу вақтда корхона ва ташкилотлар, иш берувчилар керак бўлган ишчи ва ходимларни

қидириши ва топиши мумкин.

Меҳнат бозорининг асосий элементлари

Ишчи кучига бўлган талаб, унинг таклифи, қиймати, баҳоси, рақобати;

Халқаро меҳнат бозори

Миллий ва худудий меҳнат бозорларини ҳам қамраб олиб, меҳнат ва капитал миграциясини назарда тутати.

Меҳнат бозори конъюнктураси

Меҳнат бозорида ишчи кучига талаб ва унинг таклифи нисбати тушунилади. Шу маънода меҳнат бозори конъюнктурасининг иш кучи таклифи ортиқчалиги, иш кучи таклифи камлиги ҳамда иш кучига талаб ва унинг таклифи мутаносиблиги турлари фарқланади. Меҳнат бозори конъюнктураси 3 турда бўлиши мумкин:

- 1) Ходимлар тақчиллиги- бу ҳолда меҳнат бозорида иш кучи таклифи унга бўлган талабга нисбатан етарлича бўлмайди;
- 2) Ишсизлик- бу ҳолда меҳнат бозорида иш кучи таклифи унга бўлган талабга нисбатан ортиқча бўлади;
- 3) Мувозанат- бу ҳолда меҳнат бозорида иш кучи таклифи билан талаб ўртасида мувозанат бўлади.

Меҳнат ресурслари

Меҳнатга лаёқатли ёшдаги, меҳнатга лаёқатли аҳоли ҳамда банд бўлган, меҳнатга лаёқатли ёшдан кичик ва катта шахслар;

Меҳнат ресурслари баланси

Меҳнат ресурсларининг сонини ва таркибини, шунингдек уларнинг банд бўлган, банд бўлмаган ва иқтисодий

жиҳатдан фаол бўлмаган аҳолига тақсимланишини акс эттирувчи кўрсаткичлар тизими;

Меҳнат ресурслари мобиллиги

Меҳнат ресурсларининг бир минтақа ёки худуддан бошқасига ўтиши, бир меҳнат фаолият турини бошқасига алмаштиришга тайёрлиги даражаси тушунилади;

Меҳнат иқтисодиёти

Иқтисодий назариянинг мустақил бир бўлими бўлиб, мазмуни иш берувчи ва ишловчи ўртасидаги иқтисодий муносабатларни иқтисодий таҳлил қилишдир;

Меҳнат шароитлари

Меҳнатни амалга ошириш чоғидаги ижтимоий ва ишлаб чиқариш омиллари йиғиндиси;

Меҳнат унумдорлиги

Муайян вақт давомида ишлаб чиқарилган маҳсулот бирлиги ёки миқдори;

Меҳнат потенциали

Жамиятда меҳнат имконияти, қуввати, иш билан боғлиқлик кучларнинг мавжудлиги деган маънони билдиради. Меҳнат потенциалининг таърифи унинг шаклланиши, уни сифати, миқдорий баҳолаш ва самарали фойдаланишни ифодаловчи омиллар бирикмасидан иборат;

Меҳнат капитали

Меҳнат қанчалик мураккаб бўлса, ходимнинг малакаси, билими, тажрибаси ва маъсулиятига талаб ҳам шу қадар юқори бўлади. Малакали меҳнат оддий меҳнатга қараганда самаралироқдир, шунинг учун унга юқорироқ ҳақ тўланиши

керак. Корхоналарда меҳнат капитали малакали ходимларнинг меҳнатида мужассам бўлиб, уларнинг салмоғи қўлланилаётган технологияга боғлиқдир;

Меҳнат унумдорлиги

Ходим томонидан вақт бирлигида ишлаб чиқарилган маҳсулот миқдорини акс эттирадиган меҳнат самарадорлигининг кўрсаткичидир;

Меҳнат тақсимоти

Меҳнатни ташкил қилишнинг муҳим унсури ҳисобланади. Бу ишлаб чиқариш мақсадларидан келиб чиққан ҳолда ҳар бир ходим ва ҳар бир ишлаб чиқариш бўлинмасига хизмат вазибалари, иш турлари, технологик операциялар бўлиб берилади;

Ишчи кучи бозори

Бу хўжалик фаолияти жараёнида “ишчи кучи” товари эгалари ва унинг асосий истеъмолчилари – давлат ва тадбиркорлар ўртасида меҳнат шароитлари ва унга ҳақ тўлаш миқдорлари, ишчиларнинг малака даражаси, улар томонидан бажарилаётган ишларнинг ҳажми, интенсифлиги ва масъулият даражаси бўйича таркиб топувчи ижтимоий-иқтисодий муносабатларнинг мураккаб тизими;

Ишчи кучи қиймати

Уни қайта тиклаш учун сарфланадиган ижтимоий чиқимлар, яъни истеъмол қилинадиган моддий ва номоддий бойликлар ҳажми билан аниқланади. Меҳнат бозорининг ишлашидаги асосий механизм – серунум ишчи кучи жалб қилишга интилувчи ёлловчилар билан ижтимоий меҳнат тақсимоти тизимидаги бўш иш жойларини эгаллашга интилаётган ишчилар, шунингдек, меҳнат битими ва

меҳнатга ҳақ тўлаш шарт-шароитлари бўйича ишчилар билан ёлловчилар ўртасидаги рақобат ҳисобланади;

Ишчи кучи таклифи

Ишга жойлашишга мухтожлар (шу жумладан чет элда ишлаб қайтган мигрантлар, жазодан озод этилган шахслар), ўқув муассасаларини битирганлар, корхона ва ташкилотлардан бўшатирилганлар, муддатли ҳарбий хизматни тугатганлар;

Ишчи кучига талаб

Корхона ва ташкилотларда мавжуд бўш иш ўринлари, захирага олинган иш ўринлари ва янгидан ташкил этилган иш ўринлари.

Иш билан тўла бандлик

Бу жамиятнинг шундай ҳолатидирки, унда ишлашни хоҳловчиларнинг ҳаммаси ҳақ тўланадиган ишга эга бўлади, циклик ишсизлик бўлмайди, аммо унинг фрикциион ва тузилмавий (структурали) ишсизлик билан белгиланадиган табиий даражаси сақланади;

Инсон ресурслари

Ўзида инсон капиталига талаб ва унинг таклифи ҳамда бошқа иқтисодий кўрсаткичларга эгаллиги сабабли иқтисодий муносабатларнинг субъекти ҳисобланади. Сифат жиҳатидан муайян билим, малака ва кўникмаларга эга бўлган мамлакат аҳолисининг бир қисми. Уларнинг бундай сифатлари қаторига инсон ресурсларининг ижтимоий фойдали меҳнатга қодирлиги ҳам киради;

Инсон омили

Ишлаб чиқарувчилар, истеъмолчилар, бошқарувчилар иқтисодий муомиласининг психологияси бўлиб, иқтисодий

жараён ва муносабатларга жиддий таъсир кўрсатадиган омил ҳисобланади;

Инсон капитали

Инсонда мужассамлашган даромад келтириш қобилияти мезонидир. Инсон капитали туғма қобилият ва истеъдод, шунингдек, олинган таълим ва малакадан иборат. Инсон капитали назариясига мувофиқ, одамлар ўзларига инвестиция киритиб, имкониятларини кенгайтиришлари, давлат эса инсон капиталини бойитиш учун маблағ сарфлаб, миллий даромадни кўпайтириши мумкин;

Интервер

Ўрганиш жараёнида танлашга тушган уй хўжалиklarининг аъзоларидан сўров (интервью) ўтказадиган ҳудудий меҳнат органлари ходими;

Иқтисодий фаол аҳоли

Меҳнат билан банд бўлган фуқаролар ва ишсизлар йиғиндисиدير;

Иқтисодий фаол бўлмаган аҳоли

Меҳнат билан банд деб ҳисобланмайдиган шахслар, шу жумладан:

- ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда таълим олаётган ўқувчилар ва талабалар;
- уй бекалари ва болаларни парвариш қилиш билан банд бўлган ишламаётган аёллар;
- ихтиёрий равишда меҳнат билан банд бўлмаган шахслар;

Иқтисодиётнинг расмий секторида меҳнат билан банд бўлганлар

Расмий секторида банд бўлганлар жумласига куйидагилар кирази:

- давлат ижтимоий суғурта бадали тўлови бўйича корхона, муассаса ва ташкилотларнинг солиқ ҳисоботларида қайд этилган шахслар;
- ҳарбий хизматчилар, ички ишлар органлари ходимлари ҳамда қонунчиликка мувофиқ давлат ижтимоий суғурта бадали тўловидан озод этилган ташкилотлар ходимлари;
- якка тартибдаги тадбиркорлар, деҳқон хўжалиги аъзолари, қорамол ўстириш билан банд бўлган ва шахсий ёрдамчи хўжаликларда ишлаб чиқарилган чорвачилик маҳсулотларини сотиш билан банд бўлганлар, ҳамда давлат ижтимоий суғурта бадали тўловини мажбурий ёки ихтиёрий равишда амалга ошираётган шахсий ёрдамчи хўжаликларда бошқа турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш билан банд бўлганлар;

Бандлик даражаси

Жами меҳнат билан банд бўлганларнинг (шу жумладан норасмий секторда ва Ўзбекистон Республикасидан ташқарида вақтинчалик меҳнат фаолиятини амалга ошираётган фуқаролар) иқтисодий фаол аҳолига нисбати, фоизда ҳисобланади.

Кадрлар тайёрлаш давлат буюртмаси

Меҳнат бозори эҳтиёжини малакали кадрлар билан таъминлаш учун зарур касбий малака хусусиятларига эга бўлган мутахассисларни касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш юзасидан олий, ўрта махсус, касб-

хунар ва умумий ўрта, шу жумладан нодавлат таълим муассасаларига берилган топширик;

Кадрлар тайёрлаш прогноз кўрсаткичлари

Белгиланган тартибда тасдикланадиган таълим муассасаларига қабул қилиш квоталари.

Давлат-хусусий-шериклиги

Давлат билан хусусий субъектлар ўртасида нодавлат ташкилотларнинг ресурсларидан ижтимоий вазифаларни ҳал этиш, хизматлар кўрсатиш, инфратузилмаларни модернизация қилиш ва бошқа соҳаларда фойдаланиш мақсадлардаги ўзаро манфаатли ҳамкорлик тизимидир;

Даврий ишсизлик

Ишсизликнинг бу турига ишлаб чиқариш суръатларининг пасайиши ва иқтисодиётга инвестиция киритиш ҳажмининг камайиши сабаб бўлади. Товарлар ва хизматларга талаб камайган шароитларда иш билан бандлик даражаси пасайиб, ишсизлик ортади.

Жамиятнинг демографик салоҳияти

Аҳолининг сони ва унинг ижтимоий-демографик гуруҳлари алоҳида таркибий қисмлари динамикасининг авлодлар алмашинувининг даражаси билан ўзаро боғлиқлигини тушунилади;

Демографик сиёсат

Ҳозирги давр ҳамда узоқ муддатли истиқбол учун аҳолининг такрор барпо бўлиши ва динамикаси соҳасида муайян бир сифат ва миқдорга эришишни назарда тутувчи бирлашган воситалар ва фикрлар бирлигининг давлат миқёсида қабул қилинган тизими тушунилади.

Демографик сиёсатнинг асосий йўналишлари

- Оила, она ва болаларга давлат томонидан ёрдам кўрсатиш;
- аёлларнинг ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий ҳаётда фаол иштирок этишлари учун зарур шарт-шароитларни яратиш;
- аҳолининг касалланиши ва ўлим даражасини камайтириш, умр кўриш давомийлигини узайтириш учун зарур чораларни кўриш;
- аҳолининг турмуш даражаси ва турмуш сифатини ошириш;
- аҳолининг жойлашиши, урбанизация жараёнларини такомиллаштириш;
- миграция жараёнларини тартибга солиш;

Демографик инқироз (депопуляция)

Аҳолисининг табиий ўсиши нолга тенг ёки ўлим туғилишдан кўп бўлган мамлакатларга хос жараён;

Норасмий бандлар

Даромад солиқларини ва ижтимоий суғурта тўловлари тўламайдиган ишчилар;

Расмий бандлар

Даромад солиқларини ва ижтимоий суғурта тўловлари тўлаб ишлаётганлар.

Расмий равишда рўйхатга олинган ишсизлар

16 ёшдан пенсия билан таъминланиш ҳуқуқини олиш ёшигача бўлган, меҳнат органларида иш қидирувчи, ишлашга, касб бўйича тайёргарликдан ва қайта тайёргарликдан ўтишга, малака оширишга тайёр шахс сифатида рўйхатга олинган шахслар.

Респондент

Интервью саволларига жавоб берадиган ўрганилаётган уй хўжалиги аъзоси. Респондент уй хўжалигининг бошлиғи ёки бошқа энг кўп маълумотга эга аъзоси бўлиши мумкин.

Рақамли иқтисодиёт

Асосий воситаси рақам шаклидаги маълумотлар бўлган, улардан катта хажмда фойдаланиш ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш самарадорлигини оширишга хизмат қиладиган хўжалик фаолиятидир. Рақамли иқтисодиёт атамасини биринчи марта муомилага америкалик тадқиқотчи Николас Негропonte 1995 йилда киритган.

Стратегия

Бу стратегик фикрлаш, чуқур билим ва интуиция асосида муҳитнинг келгуси шартларини мавжуд прогнозлар ёрдамида тизимли таҳлил қилиш натижасидир.

Кичик бизнес

Бозор иқтисодиётининг асоси, иқтисодий ўсиш суръатларини, ялпи миллий маҳсулот таркиби ва сифатини, аҳолининг иш билан бандлиги ва даромади даражасини белгилайдиган етакчи сектор ҳисобланади;

IX. АҲОЛИНИНГ БАНДЛИГИ ЖАМҒАРМАСИ ВА ЖАМОАТ ИШЛАРИ ЖАМҒАРМАСИ ФАОЛИЯТИГА ТАЪЛУҚЛИ АТАМАЛАР

Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси

Ўзбекистон Республикаси Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси юридик шахс ташкил этилмаган ҳолда республика ва маҳаллий даражаларда тузиладиган давлат мақсадли жамғармасидир. Бандлик ва меҳнат

муносабатлари вазирлиги ҳамда меҳнат органлари Ўзбекистон Республикаси Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланилиши учун жавобгар бўлади.

Янги иш ўринлари ташкил этилишини рағбатлантириш ҳудудий жамғармалари

Янги иш ўринлари ташкил этилишини рағбатлантириш ҳудудий жамғармалари Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳузурида давлат муассасалари шаклида ташкил этилади.

Жамоат ишлари жамғармаси

Йирик инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш, йўл ва уй-жой-коммунал инфратузилма объектларини қуриш, таъмирлаш ҳамда реконструкция қилиш, шаҳарлар ва туманларни ободонлаштириш, мавсумий қишлоқ хўжалиги ишларини ўтказиш доирасидаги ҳамда бошқа ижтимоий жиҳатдан фойдали йўналишлардаги ҳақ тўланадиган жамоат ишларида банд бўлмаган ва ишсиз шахсларнинг иштирок этишини молиялаштириш учун Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузуридаги Жамоат ишлари жамғармаси ташкил этилади.

Хорижда меҳнат фаолиятини амалга оширувчи фуқароларни қўллаб-қувватлаш ҳамда уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш жамғармаси

Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузуридаги Хорижда меҳнат фаолиятини амалга оширувчи фуқароларни қўллаб-қувватлаш ҳамда уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш жамғармаси юридик шахс мақомига эга бўлади.

Ҳақ тўланадиган жамоат ишлари

Потенциал иш берувчилар – маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, вазирликлар, идоралар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, тадбиркорлик субъектлари, бошқа ташкилотлар томонидан ташкил этиладиган, қоида тариқасида, дастлабки касбий тайёргарликни талаб қилмайдиган, ижтимоий фойдали йўналишга эга бўлган ҳамда иш қидираётган шахсларнинг ва ишсиз шахсларнинг вақтинча бандлигини таъминлаш учун маҳаллий меҳнат органлари томонидан бериладиган ишга жойлаштиришга доир йўлланмалар бўйича бажариладиган вақтинчалик меҳнат фаолияти турлари;

Ҳақ тўланадиган жамоат ишларининг турлари:

- Ободонлаштириш ишлари;
- Инфрамузола объектларини таъмирлаш;
- Йўлакларни таъмирлаш;
- Мавсумий қишлоқ хўжалик ишлари;
- Ногиронлиги бўлган шахслар, кексалар, беморлар ва бошқаларни парваришлаш;
- Саноат тармоқлари ва хизматлар кўрсатиш соҳаси ташкилотларидаги ишлар;
- Объектларни қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш ишлари;
- Қонун ҳужжатларига мувофиқ уларга бўлган эҳтиёждан келиб чиққан ҳолда жамоат ишларининг бошқа турлари ҳам назарда тутилиши мумкин.

Ҳақ тўланадиган жамоат ишларини бажарувчи шахс

Белгиланган тартибда ишсиз деб эътироф этилган, шунингдек иш изловчи шахс сифатида рўйхатга олинган ва жамоат ишларида қатнашиш учун жалб қилинган фуқаро.

Ҳақ тўланадиган жамоат ишлари

Ишсиз ва банд бўлмаган аҳоли учун умумжалб этиш мумкин бўлган, алоҳида тайёргарлик ва малака талаб қилмайдиган, ҳақ тўланадиган вақтинчалик меҳнат фаолияти турлари;

Х. МЕҲНАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ТАЛАБЛАРИНИ ИФОДАЛОВЧИ АТАМАЛАР

Меҳнатни муҳофаза қилиш

Меҳнат жараёнида инсоннинг хавфсизлигини, ҳаёти ва соғлиғи, иш қобилияти сақланишини таъминлашга доир ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий, ташкилий, техникавий, санитария-гигиена, даволаш-профилактика, реабилитация тадбирлари ҳамда воситалари тизими;

Меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги хизматлар бозорининг профессионал иштирокчилари

Меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида шартнома асосида хизматлар кўрсатувчи юридик шахслар.

Меҳнатни муҳофаза қилиш хизмати

Ташкилотнинг тузилмасидаги мустақил бўлим бўлиб, белгиланган тартибда меҳнатни муҳофаза қилиш талабларига риоя этиш ва ташкил қилиниши, уларнинг бажарилишини назорат қилади;

Иш ўрни

Бу ишлаб чиқариш жараёнининг алоҳида бўғини бўлиб, ходимнинг меҳнат вазифаларини бажарадиган доимий ёки вақтинчалик фаолият кўрсатадиган жой ҳисобланади;

Иш ўрни паспорти

Ҳар бир корхона ёки ишлаб чиқариш жараёнида фаолият кўрсатаётган муассасанинг ички меъёрий ҳужжат ҳисобланади. Ушбу иш жойининг санитария-гигиена нормаларига, меҳнат шароитларининг ҳавфсизлиги талабларига ва ишлаб чиқариш технологиясининг конкрет ходим соғлигига зарар етказилиши даражасини белгиловчи махсус ишчи комиссия тасдиқловчи расмий ҳужжатдир;

Иш ўринлари паспорти таркиби

- Иш жойини ташкил қилишнинг мақсади ва умумий таснифи;
- Иш жойининг тузилиши (планировка);
- Иш жойини асбоб-ускуналар, техник ва алоқа воситалари ҳамда мебел билан жиҳозланиш даражаси;
- Ишчининг функционал вазифалари (меҳнатни бажариш элементлари);
- Меҳнат қилиш услублари ва касб талабларига мувофиқлиги;
- Меҳнат шароитлари талабларига мослиги;
- Маош миқдори ва унинг мунтазам ошиб бориш имконлари;
- Иш жойига хизмат кўрсатиш, технологик ҳужжатлар мавжудлиги, меҳнат шиддатлиги, меҳнатни муҳофаза этиш ва меҳнат ҳавфсизлиги техникаси талаблари;

Иш ўринларининг меҳнат шароитлари бўйича аттестацияси

Иш ўринларининг меҳнат шароитлари бўйича аттестацияси меҳнат шароитларининг, иш ўринларидаги меҳнат жараёни оғирлиги ва тиғизлигининг ҳамда уларнинг жароҳатланиш жиҳатидан хавфлилигининг меҳнатни муҳофаза қилиш масалалари бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва техник

жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларига мувофиқлигини баҳолаш, зарарли ишлаб чиқариш омилини ва (ёки) хавфли ишлаб чиқариш омилини аниқлаш мақсадида ўтказиладиган тадбирлар тизими;

Меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида малака ошириш

Меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида билим ва кўникмаларни, касбий билимларни тизимли равишда янгилан бориш ва чуқурлаштириш;

Меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида қайта тайёрлаш

Меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида ишлаш учун зарурий ва етарли ҳажмда янги касбий билимлар ва кўникмаларни эгаллаш;

Ташкилотда меҳнатни муҳофаза қилишни бошқариш тизимининг аудити

- Ташкилотда меҳнатни муҳофаза қилишни бошқариш тизимининг меҳнатни муҳофаза қилиш масалалари бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларига мувофиқлигини аниқлаш;
- Ташкилотда меҳнатни муҳофаза қилишни бошқариш тизимининг ишлаш сифатини, ишлаб чиқаришдаги жароҳатланишлар ва касб касалликларининг олдини олишга, унинг даражасини камайтиришга қаратилган чора-тадбирлар самарадорлигини баҳолаш;
- аниқланган камчиликларни бартараф этишга қаратилган таклифлар ҳамда тавсиялар ишлаб чиқиш, ишлаб чиқаришдаги жароҳатланишлар ва касб касалликларининг олдини олиш.

Ишлаб чиқариш омили

Ходимга меҳнат жараёнида таъсир этувчи кимёвий, биологик, жисмоний ва ижтимоий омиллар йиғиндиси.

Ўхшаш иш ўринлари

Қуйидаги белгиларнинг жами: бир номдаги касб ёки лавозим; бир хилдаги иш режимида бир типдаги технологик жараёни юритишда айнан бир хил касб вазифаларини бажариш; бир типдаги ишлаб чиқариш ускунаси, асбоблар, мосламалар, материаллар ва хом ашёдан фойдаланиш; бир ёки бир неча типдаги биноларда ёки очик ҳавода ишлаш; вентиляция, кондициялаштирилган ҳаво, иситиш ва ёритишнинг бир типдаги тизимларидан фойдаланиш, иш жойида объектларнинг (ишлаб чиқариш ускунаси, транспорт воситалари ва шу кабиларнинг) бир хил жойлашиши; бир класс ва даражадаги зарарли ва (ёки) хавфли ишлаб чиқариш омилларининг бир хилдаги тўплами; яқка тартибдаги ҳимоя воситалари билан бир хилда таъминланганлик билан тавсифланадиган иш ўринлари;

Иш зонаси

Ходимлар доимо ёки вақтинча бўладиган жойлар жойлашган пол ёки майдонча даражасидан 2 метргача баландликдаги сатҳ;

Турғун бўлмаган иш ўринлари

Ҳудудий ўзгариб турадиган иш зоналаридаги иш ўринлари, бунда бир ёки бир неча ходимлар хусусиятига кўра ўхшаш иш ёки операцияни бажарадиган ишлаб чиқаришнинг зарур воситалари билан жиҳозланган иш ўрнининг бир қисми иш зонаси деб ҳисобланади;

Касб касаллиги

Ушбу касб учун хос бўлган ҳамда ишлаб чиқариш муҳити ва меҳнат жараёнининг зарарли ва хавфли омиллари таъсири натижасида ходим чалинган касаллик;

Иш қобилияти

Инсоннинг талаб этиладиган вақт оралиғида топширилган сифатида ишнинг аниқ миқдорини бажариш қобилиятини тавсифлайдиган организмнинг физиологик ва психологик функциялари имкониятлари билан белгиланадиган инсоннинг ҳолати;

Ишлаб чиқариш муҳити

Меҳнат фаолияти жараёнида ходимга таъсир кўрсатувчи кимёвий, биологик, физик ва ижтимоий омилларнинг йиғиндиси;

Меҳнат шароитлари

Ходимнинг иш лаёқати ва соғлиғига таъсир кўрсатувчи ишлаб чиқариш муҳити ва меҳнат жараёни омиллари йиғиндиси;

Зарарли ишлаб чиқариш омили

Таъсири ходимнинг касалликка чалинишига олиб келиши мумкин бўлган ишлаб чиқариш омили;

Хавфли ишлаб чиқариш омили

Таъсири ходимнинг жароҳат олишига сабаб бўлиши мумкин бўлган ишлаб чиқариш омили. Миқдорий тавсифига ва амал қилишининг давомийлигига боғлиқ равишда айрим зарарли ишлаб чиқариш омиллари хавфли бўлиши мумкин;

Меҳнатнинг хавфсиз шарт-шароитлари

Зарарли ва (ёки) хавфли ишлаб чиқариш омилларининг ходимга таъсири истисно этиладиган ёхуд уларнинг таъсири даражаси белгиланган нормативлардан ортиқ бўлмаган меҳнат шароитлари ҳолати;

Ишлаб чиқариш фаолияти

Хом ашёнинг ҳар хил турларини ишлаб чиқариш ва қайта ишлашни, қуришни, ҳар хил хизматлар кўрсатишни ўз ичига оладиган хатти-ҳаракатлар йиғиндиси;

ЯТХВ(якка тартибдаги ҳимоя воситалари)

Зарарли ёки хавфли ишлаб чиқариш омилларининг ходимларга таъсирининг олдини олиш ёки камайтириш, шунингдек ифлосланишдан ҳимоя қилиш учун фойдаланиладиган техник воситалар (махсус кийим, махсус пойабзал ва якка тартибдаги ҳимоянинг бошқа воситалари);

Меҳнат шароитлари ва асбоб-ускуналарнинг жароҳатлаш хавфлилиги юзасидан иш ўринларини аттестациядан ўтказиш (аттестация)

Иш жойларида меҳнат шароитларини, меҳнат жараёнларининг оғирлиги ва тиғизлигини ҳамда асбоб-ускуналарнинг жароҳатлаш хавфлилигини баҳолаш, зарарли ва хавфли ишлаб чиқариш омилларини баҳолаш, шунингдек меҳнат шароитларини, меҳнат жараёнининг оғирлиги ва тиғизлигини қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга мувофиқлаштириш мақсадида ўтказиладиган комплекс тадбирлар;

Аттестация комиссияси

Аттестациянинг барча босқичларида меҳнат шaroитлари ва асбоб-ускуналарнинг жароҳатлаш хавфлилиги бўйича иш ўринларини аттестациядан ўтказишни ташкил этиш, унга раҳбарлик қилиш ва уни назорат қилиш билан боғлиқ бўлган масалаларнинг бутун комплексини амалга ошириш учун корхона раҳбарининг қарори билан ташкил этиладиган комиссия;

Аттестациядан ўтказувчи ташкилот

Ушбу Низомда белгиланган меҳнат шaroитлари ва асбоб-ускуналарнинг жароҳатлаш хавфлилиги юзасидан иш ўринларини аттестациядан ўтказиш соҳасида фаолиятни амалга ошириш учун талабларга жавоб берадиган ва фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги шартнома асосида ишлаб чиқариш муҳити ва меҳнат жараёни омилларини ўлчайдиган ва меҳнат шaroитларининг меҳнатни муҳофаза қилиш талабларига мувофиқлигини баҳолайдиган юридик шахс.

Жамоавий ҳимоя воситалари

Тузилиши ёки вазифаси жиҳатидан ишлаб чиқариш биноси ва ишлаб чиқариш жараёни билан боғлиқ бўлган, ходимларга зарарли ишлаб чиқариш омили ва (ёки) хавфли ишлаб чиқариш омили таъсирининг олдини олиш ёки уни камайтириш, шунингдек ифлосланишлардан ҳимоя қилиш учун мўлжалланган техник воситалар ва бошқа воситалар;

Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодиса

Ходимнинг иш берувчининг ҳудудида ҳам, унинг ташқарисида ҳам ўз меҳнат вазифаларини бажариши билан боғлиқ ҳолда, шу жумладан иш берувчи томонидан берилган транспортда иш жойига келаётган ёки ишдан қайтаётган вақтда меҳнатда майиб бўлишига ёки

соғлиғининг бошқача тарзда шикастланишига олиб келган ва ходимни бошқа ишга ўтказиш заруратига, у касбга оид меҳнат қобилиятини вақтинча ёки турғун йўқотишига ёхуд вафот этишига сабаб бўлган ҳодиса;

Меҳнатда майиб бўлиш

Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодиса оқибатида ходимнинг касбга оид меҳнат қобилиятини вақтинча ёки турғун йўқотиши;

Ноқулай ишлаб чиқариш омиллари

Зарарли ишлаб чиқариш омилнинг ва (ёки) хавфли ишлаб чиқариш омилнинг мавжудлиги;

Хавфли ишлаб чиқариш омили

Таъсири ходимнинг шикастланишига олиб келиши мумкин бўлган ишлаб чиқариш омили;

Шахсий ҳимоя воситалари

Ходимга зарарли ишлаб чиқариш омили ва (ёки) хавфли ишлаб чиқариш омили таъсирининг олдини олиш ёки уни камайтириш, шунингдек ифлосланишлардан ҳимояланиш учун фойдаланиладиган техник воситалар ва бошқа воситалар.

XI. ХАЛҚАРО МЕҲНАТ ТАШКИЛОТИ ФАОЛИЯТИ БИЛАН БОҒЛИҚ АТАМАЛАР

Ҳалқаро меҳнат ташкилоти

БМТнинг ихтисослашган муассасаси 1919 йилда Миллатлар лигаси ҳузурида меҳнат қонунлари ва меҳнат шароитларини яхшилаш масалалари бўйича конвенция ва тавсияларни ишлаб чиқиш учун ҳалқаро комиссия сифатида тузилган. Ҳалқаро меҳнат ташкилоти 8 соатлик иш куни, оналикни

химоя қилиш, болалар меҳнатига оид қонунлар ва иш ўринларида хавфсизликни таъминлаш юзасидан халқаро меъёрлар ишлаб чиқилишига, иш билан бандлик дастурларини тайёрлашга катта ҳисса қўшди. Ўзбекистон 1992 йилда Халқаро меҳнат ташкилотига аъзо бўлди.

Халқаро меҳнат ташкилотининг муносиб меҳнат концепцияси

Халқаро меҳнат конференциясининг 1999 йил июнида ўтказилган 87 сессиясида Муносиб меҳнат дастурини эълон қилди. Мазкур дастурга мувофиқ Муносиб меҳнат деб, эркин адолатли иш ҳақи тўланадиган, хавфсиз, ижтимоий химояланган, инсоннинг кадр қимматини камситмайдиган, меҳнат фаолиятини бошлашда ҳамма учун тенг имконият яратадиган, бошқарув қарорларини қабул қилишда иштирок этишни ва шахснинг ўзини ўзи ривожлантиришини кафолатлайдиган меҳнатга айтилади.

Конвенция

Конвенция - (lot. Convention-шартнома битим) халқаро шартнома, битим келишув шакли бирор махсус масала юзасидан давлатлар ўртасида тузилади ва уни имзолаган томонлар муайян ҳуқуқ ва мажбуриятларни ўз зиммасига олади;

Халқаро меҳнат ташкилотининг Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган Конвенциялари

1. Мажбурий меҳнат тўғрисидаги 1930 йилдаги 29-Конвенция. (1997 йил 30 августда ратификация қилинган).

2. Кирк соатлик иш ҳафтаси тўғрисидаги 1935 йилдаги 47-Конвенция. (1995 йил 6 майда ратификация қилинган).
3. Байрам кунларини тўланилиши ҳақида 1939 йилдаги 52-Конвенция (1992 йил 13 июлда ратификация қилинган).
4. Бирлашмалар эркинлиги ва касаба уюшмага бирлашишини ҳимоясини таъминлашдаги 1948 йилдаги 87-Конвенция (2016 йил 12 декабр)
5. Бирлашмалар эркинлиги ҳақида 1949 йилдаги 98-сонли Конвенция (1992 йил 13 июлда ратификация қилинган).
6. Тенг мукофотлаш ҳақидаги 1951-йилдаги 100-сонли Конвенция (1992 йил 13 июлда ратификация қилинган).
7. Оналикни ҳимоялаш ҳақидаги 1955 йилдаги 103-сонли Конвенция (1992 йил 13 июлда ратификация қилинган).
8. Мажбурий меҳнатни бекор қилиш ҳақидаги 1957 йилдаги 105-сонли Конвенция (1997 йил 15 декабрда ратификация қилинган).
9. Дискриминация ҳақидаги 1958 йилдаги 111-сонли Конвенция (1992 йил 13 июлда ратификация қилинган).
10. Бандлик сиёсати ҳақидаги 1966 йилдаги 122-сонли Конвенция (1992 йил 13 июлда ратификация қилинган).
11. Ишчиларни вакиллари ҳақидаги 1973 йилдаги 135-сонли Конвенция (1997 йил 15 декабрда ратификация қилинган).
12. Жамоавий шартномалар ҳақидаги 1983 йилдаги 154-сонли Конвенция (1997 йил 15 декабрда ратификация қилинган).
13. Энг кичик ёш тўғрисидаги 1976 йилдаги 138-сонли Конвенция (1997 йилда ратификация қилинган).
14. Болалар меҳнатининг энг ёмон шакллари тўғрисидаги 1999 йилги 182-Конвенция. (2008 йил 8 апрелда ратификация қилинган).

15. Уч томонлама музокаралар кўмагида халқаро меҳнат нормаларини қўллаш ҳақидаги 1976 йилдаги 144-сонли Конвенция (04.03.2019йил).
16. Мажбурий меҳнат ҳақидаги 29-сонли Конвенцияга протокол
17. Саноатда ва савдода меҳнат инспекцияси ҳақидаги 1947 йилдаги 81-сонли Конвенция (27.08.2019 йил).
18. Қишлоқ хўжалигида меҳнат инспекцияси ҳақидаги 2019 йилдаги 129-сонли Конвенция (2019 йил 27 августда ратификация қилинган).

Харакатлар стратегияси

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7-февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони асосида 2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тасдиқланди.

- Давлат ва жамият қурилишини такомиллаштириш
- Қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш
- Иқтисодиётни янада ривожлантириш ва либераллаштириш
- Ижтимоий соҳани ривожлантириш
- Хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш, чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий руҳдаги ташқи сиёсат юритиш.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Халқ қабулхоналарининг ва Виртуал қабулхонасининг асосий вазифалари нималардан иборат

- Аҳоли билан тўғридан-тўғри мулоқотни ташкил этиш, уларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини тўлақонли ҳимоя қилишга қаратилган,

мурожаатлар билан ишлашнинг самарали тизими фаолиятини таъминлаш;

- Мурожаат қилишга оид конституциявий ҳуқуқнинг сўзсиз амалга оширилиши учун шароитлар яратиш;
- Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналарига ва Виртуал қабулхонасига келиб тушган мурожаатларнинг тўлиқ, холисона ва ўз вақтида кўриб чиқилишини ташкил этиш;
- Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналарига ва Виртуал қабулхонасига келиб тушган ҳамда тегишлилиги бўйича давлат органларига, ташкилотларга юборилган мурожаатларнинг кўриб чиқилиши устидан тизимли мониторинг ва назоратни амалга ошириш;
- Жисмоний шахсларнинг ва юридик шахслар вакилларининг қабулларини ўтказиш, шу жумладан видеоконференцалоқа воситасида ўтказиш; Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналарига ва Виртуал қабулхонасига келиб тушаётган мурожаатларни қайд этиш, умумлаштириш, тизимлаштириш, уларни кўриб чиқиш устидан мониторинг ва назорат қилиш бўйича электрон ахборот тизимини жорий этиш ҳамда юритиш орқали мурожаатлар билан ишлашда замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланиш.

Мурожаатларнинг шакллари ва турлари қандай

Мурожаатлар оғзаки, ёзма ёхуд электрон шаклда бўлиши мумкин. Аризалар, таклифлар ва шикоятлар мурожаатларнинг турлари ҳисобланади;

ариза – ҳуқуқларни, эркинликларни ва қонуний манфаатларни амалга оширишда ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги илтимос баён этилган мурожаат;

таклиф – давлат ва жамият фаолиятини такомиллаштиришга доир тавсияларни ўз ичига олган муурожаат;

шикоят – бузилган ҳуқуқларни, эркинликларни тиклаш ва қонуний манфаатларни ҳимоя қилиш тўғрисидаги талаб баён этилган муурожаат;

электрон муурожаат – белгиланган тартибда ахборот-коммуникация технологиялари воситасида берилган, шу жумладан давлат органининг, ташкилотнинг расмий веб-сайтига жойлаштирилган муурожаат, реал вақт режимида ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда берилган оғзаки муурожаатлар бундан мустасно;

такрорий муурожаат – айна бир жисмоний ёки юридик шахсдан келиб тушган, унинг аввалги муурожаати юзасидан қабул қилинган қарор устидан шикоят қилинаётган ёки бошқача тарзда норозилик билдирилаётган, шунингдек, агар такрорий муурожаат келиб тушган пайтга келиб қонун ҳужжатларида белгиланган кўриб чиқиш муддати тугаган бўлса, илгариги муурожаати ўз вақтида кўриб чиқилмаганлиги тўғрисида хабар қилинаётган муурожаат;

аноним муурожаат – жисмоний шахснинг фамилияси (исми, отасининг исми), унинг яшаш жойи тўғрисидаги маълумотлар ёки юридик шахснинг тўлиқ номи, унинг жойлашган ери (почта манзили) тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилмаган ёхуд улар ҳақида ёлгон маълумотлар кўрсатилган муурожаат, шунингдек уни идентификация қилиш имкониятини бермайдиган электрон муурожаат ёхуд имзо билан тасдиқланмаган ёзма муурожаат;

муурожаатнинг дубликати – айна бир жисмоний ёки юридик шахс муурожаатининг кўчирма нусхаси;

оммавий қабул – давлат органи раҳбарининг ёки бу борада ваколат берилган мансабдор шахсининг жисмоний шахслар ва юридик шахсларнинг вакиллари билан оммавий

учрашувларида мурожаатларни қабул қилишга доир ҳаракати;

видеоконференцалоқа – узоқда жойлашган бир нечта абонентларнинг реал вақт режимида аудио- ва видеоахборот алмашиш имконияти билан ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда интерактив ҳамкорлик қилиши;

давлат иштирокидаги ташкилот – устав фондида давлат улуши мавжуд бўлган тижорат ташкилоти ёхуд тўлиқ ёки қисман давлат органи томонидан ташкил этилган ёки таъсис этилган нотижорат ташкилоти;

Масофада туриб ишлаш

Иш берувчига нисбатан масофада туриб, ахборот-коммуникация технологиялари ёрдамида бажариладиган меҳнат фаолиятидир. Иш билан бандлик бундай шаклининг асосий хусусияти иш билан ходим ўртасида виртуал тарзда масофада туриб иқтисодий муносабатлар ўрнатилишидир. Иш билан бандликнинг бундай шакли иш берувчи томондан ходимнинг меҳнат фаолияти учун шароит яратишга ортикча сарф-ҳаражат талаб қилинмаслиги, меҳнат муҳофазаси ва иш вақти давомийлиги учун маъсулият юкланмаслиги билан манфаатлидир;

Вояга етмаган шахс савдоси

«Одам савдоси» деган тушунчада кўрсатилган таъсир ўтказиш воситаларидан фойдаланилган фойдаланилмаганлигидан қатъи назар, ҳар қандай ҳаракат ёки битим бўлиб, улар воситасида вояга етмаган шахс ота-онаси, бошқа қонуний вакили ёки ўзга шахс томонидан қонунга ҳилоф равишда ундан фойдаланиш мақсадида ёхуд моддий ёки бошқа наф олиш мақсадида бошқа шахсга ҳақ эвазига берилади;

Келиб чиқиш мамлакати

Ҳудудидан одам савдосидан жабрланганларни олиб чиқиш амалга оширилган ёки фуқаролари одам савдосидан жабрланган давлат;

Мажбурлаш

Мажбурланаётган шахсни унинг иродасига қарши ёки иродасини четлаб ўтиб, бирор-бир ҳаракатни амалга оширишга ёки бирор-бир ҳаракатни бажаришни мажбурловчи шахснинг ёки бошқа шахсларнинг фойдаси учун рад этишга ундаш мақсадидаги жисмоний, руҳий, жинсий ва иқтисодий зўравонлик ёки уларни қўллаш таҳдиди;

Одам савдоси

Куч билан таҳдид қилиш ёки куч ишлатиш ёхуд мажбурлашнинг бошқа шаклларида фойдаланиш, ўғирлаш, фирибгарлик, алдаш, ҳокимиятни суиистеъмол қилиш ёки вазиятнинг қалтислигидан фойдаланиш орқали ёхуд бошқа шахсни назорат қилувчи шахснинг розилигини олиш учун тўловлар ёки манфаатдор этиш эвазига оғдириб олиш йўли билан одамлардан фойдаланиш мақсадида уларни ёллаш, ташиш, топшириш, яшириш ёки қабул қилиш. Одамлардан фойдаланиш бошқа шахсларнинг фоҳишалигидан фойдаланишни ёки улардан шахвоний фойдаланишнинг ўзга шакллари, мажбурий меҳнатни ёки хизматларни, қулликни ёхуд қулликка ўхшаш одатларни, эркисизлик ҳолатини ёхуд инсон аъзоларини, тўқималарини ва (ёки) хужайраларини ажратиб олишни англатади;

Одам савдосидан жабрланган шахс

Одам савдосидан, бундай ҳаракатга розилик берганлиги-бермаганлигидан ва жинойт процессида иштирок этганлиги-этмаганлигидан қатъи назар, жабрланган жисмоний шахс;

Одам савдосидан жабрланганларни идентификация қилиш

Жисмоний шахсларга нисбатан амалга ошириладиган, уларга нисбатан одам савдоси сифатида малакаланадиган хатти-ҳаракатлар содир этилганлиги тўғрисида ёки содир этиш нияти ҳақида маълумотлар олишга қаратилган чоратадбирлар мажмуи;

Одам савдосига қарши курашиш

Одам савдосининг олдини олишга, уни аниқлашга, унга чек қўйишга, унинг оқибатларини камайтиришга, одам савдосидан жабрланганларга ёрдам кўрсатишга доир фаолият;

Одам савдосидан жабрланган деб тахмин қилинаётган шахс

Дастлабки идентификация қилиш натижасида одам савдосидан жабрланган деб тахмин қилинаётган шахс сифатида тан олинган жисмоний шахс;

Одам савдоси билан шуғулланувчи шахс

Мустақил равишда ёки бир гуруҳ шахслар таркибида одам савдоси билан боғлиқ ҳар қандай ҳаракатни содир этувчи жисмоний шахс, шунингдек ўз ҳаракатлари билан одам савдосига кўмаклашаётган, худди шунингдек гарчи ўз мансаб ваколатларига кўра тўсқинлик қилиши ва қарши курашиши шарт бўлсада, одам савдосига тўсқинлик қилмаётган ва қарши курашмаётган мансабдор шахс;

Одам савдосига қарши курашишга доир фаолиятни амалга оширувчи давлат органлари

- Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги;
- Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси;
- Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати;
- Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги;
- Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги, Ўзбекистон Республикасининг хориждаги дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасалари;
- Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги.

Тариф ставкаси

(Мансаб маоши) Ходимнинг вақт бирлигида муайян мураккаблик малакадаги меҳнат нормаси хизмат вазифасини бажарганлиги учун қатъий белгилаб кўйиладиган иш ҳақи миқдоридир.

Коррупция

Шахснинг ўз мансаб ёки хизмат мавқеидан шахсий манфаатларини наф олиш мақсадида қонунга хилоф равишда фойдаланиши, худди шунингдек бундай нафни қонунга хилоф равишда тақдим этиш. 2017 йил 3 январда қабул қилинган №ЎРҚ-419 Ўзбекистон Республикасининг "Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида"ги Қонуни.

Коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик

Коррупция аломатларига эга бўлган, содир этилганлиги учун қонун ҳужжатларида жавобгарлик назарда тутилган қилмиш;

Манфаатлар тўқнашуви

Шахсий (бевосита ёки билвосита) манфаатдорлик шахснинг мансаб ёки хизмат мажбуриятларини лозим даражада бажаришига таъсир кўрсатаётган ёхуд таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳамда шахсий манфаатдорлик билан фуқароларнинг, ташкилотларнинг, жамиятнинг ёки давлатнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ўртасида қарама-қаршилик юзага келаётган ёки юзага келиши мумкин бўлган вазият.

Коррупцияга қарши курашишнинг асосий принциплари

- ✓ қонунийлик;
- ✓ фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларининг устуворлиги;
- ✓ очиқлик ва шаффофлик;
- ✓ тизимлилик;
- ✓ давлат ва фуқаролик жамиятининг ҳамкорлиги;
- ✓ коррупциянинг олдини олишга доир чора-тадбирлар устуворлиги;
- ✓ жавобгарликнинг муқаррарлиги.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т. “Ўзбекистон” 2018. 76 бет.
2. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодекси//Ўзбекистон Республикаси Ахборотномаси, 2014 й.
3. «Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида ЎРҚ-633-сон 17.08.2020 й.
4. Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги Қонуни ЎРҚ-419-сон 03.01.2017 й.
5. Ўзбекистон Республикасининг “Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида”ги Қонуни ЎРҚ-562-сон 02.09.2019 й.
6. Ўзбекистон Республикасининг “Аҳоли бандлиги тўғрисида”ги Қонуни ЎРҚ-642-сон 20.10.2020 й.
7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 10 майдаги “Ўзбекистон Республикасида мажбурий меҳнатга барҳам беришга доир қўшимча-чора-тадбирлар тўғрисида”ги 349-сонли қарори.
8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирари тўғрисида”ги 1066-сонли қарори.
9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 15 майдаги “Ўзбекистон Республикасида Касбий малакалар, билим ва кўникмаларни ривожлантириш миллий тизими фаолиятини ташкил этиш чоралари тўғрисида”ги 287-сонли қарори.
10. Абдурахмонов Қ.Х. “Меҳнат иқтисодиёти назария ва амалиёт” дарслик Тошкент 2019 йил, 18 бет.

Интернет ресурслари

11. <https://www.gov.uz> – Ўзбекистон Республикаси давлат портали
12. <https://mehnat.uz> – Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги
13. <https://stat.uz> – Ўзбекистон Республикаси Статистика бўйича давлат қўмитасининг расмий сайти
14. <http://migration.uz> – Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги Ташқи миграция масалалари бўйича агентликнинг расмий сайти
15. <https://lex.uz> – Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг қонунчилик ҳужжатлари сайти
16. <https://rmmk.uz> – Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги Меҳнат органлари ходимлари малакасини ошириш республика курслари.